

НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
КАСБ ТАЪЛИМИ ФАКУЛЬТЕТИ

“Курилиш материаллари, буюмлари ва конструксияларини ишлаб чиқариш”
кафедраси

5340500-“Курилиш материаллари, буюмлари ва конструксияларини ишлаб
чиқариш” йўналиши

“Тасдиқлайман”
Б.Махмудов
“ _____ ” **201** ____ й.

ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИНИ БАЖАРИШ УЧУН ВАЗИФА

Талаба Азамов Турсунпўлат Қодиржон ўғли

1. Диплом лойиҳасининг мавзуси **Кўп қаватли бинолар учун ораёпма
плиталар ишлаб чиқариш, маҳсулдорлиги 42 минг м³., 6,26x1,0
(1,20) h=120 Наманган ш. ТБЗ** институт ректори буйруғи билан
тасдиқланган № 712-Т. 30.12.2016 йил.

2. Диплом лойиҳасини дастлабки ҳимояга тақдим этиш вақти

3. Мавзу бўйича адабиётлар рўйхати:

1. Акрамов Х.А., Нуридинов Х.Н. Бетон ва темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш технологияси. 1,2-қисм Т. 2012й.
2. Асқаров Б.А., Акрамов Х.А., Нуридинов Х.Н. Бетон технологияси, 1,2-қисм Т.2012й.
3. Akramov X.A., Nuriddinov X.N. Beton va temir-beton ishlab chiqarish texnologiyasi. 1,2-qism. T. 2012y.
4. Акрамов Х.А. Нуридинов Х.Н. Бетон ва темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш технологияси. Дарслик. Т., Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2011й.
5. Асқаров Б.А. Қурилиш конструкциялари. Т., Ўзбекистон, 1995й.
6. Акрамов Х.А. Қурилиш ашёлари саноати корхоналарини лойиҳалаш. Т., Ўзбекистон, 2003й.
7. Ўз.РСТ 707-96. Бетоны. Классификация и общие технические требования.
8. Ўз.РСТ 8267-93. Панели стеновые, внутренние бетонные и железобетонные для жилых и общественных зданий.
9. Ўз.РСТ 707-96. Бетон. Правила подбора состава.
- 10.Акрамов Х.А., Нуридинов Х.Н. Бетон ва темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш. Ўқув кўлланма, I ва IIқисм. Т., Ўзбекистон, 2007й.

4. Ҳисоб – тушунтириш хатининг мазмуни:

Кириши. Технологик қисм. Маҳсулот номенклатураси. Ишлаб
чиқариши усулини танлаш ва асослаш. Корхонанинг иш режими. Буюм

турлари бўйича корхона маҳсулорлигини ҳисоблаш. Хом ашиё ва ярим фабрикатларга цех (корхона)нинг талабини аниқлаш. Технологик линияларни лойиҳалаш. Ишлаб чиқаришни стенд линияси ҳисоби. Технологик асбоб-ускуналарни танлаш ва ҳисоблаш. Цемент омбори ҳисоби. Тўлдирувчилар омбори ҳисоби. Бетон қориши цехи ҳисоби. Тайёр маҳсулотлар омбори ҳисоби. Ҳисобий қисм. Иқтисодий қисм. Мехнат мухофазаси ва техника хавфсизлиги. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

5. Чизма материалларнинг рўйхати : Бош режа. Ишлаб чиқариш корхонаси режаси ва қирқими. Цемент омбори. Тўлдирувчилар омбори. Бетон қориш цехи. Ҳисоб қисми.

6. Лойиҳа бўйича маслаҳатчилар

| № | Қисмлар | Маслаҳатчи | Имзо, сана | |
|---|-------------------|------------|------------------|------------------------|
| | | | Топшириқ берилди | Топшириқ қабул қилинди |
| 1 | Технологик | | | |
| 2 | Ҳисобий | | | |
| 3 | Иқтисодий | | | |
| 4 | Мехнат мухофазаси | | | |
| | | | | |

7. Диплом лойиҳа бажариш графиги

| № | Лойиҳа қисмларининг бажарилиши | Бажарилиш муддатлари | Бажарилиши бўйича белги (раҳбар имзоси) |
|---|--------------------------------|----------------------|---|
| 1 | Технологик | | |
| 2 | Ҳисобий | | |
| 3 | Иқтисодий | | |
| 4 | Мехнат мухофазаси | | |
| | | | |

Диплом лойиҳа раҳбари

Н.Н.Нематов.

(Ф.И.О.)

имзо

Кафедра мудири

С.Холмирзаев

(Ф.И.Ш.)

имзо

Бажариш учун вазифани қабул қилди

(талаба имзоси)

“ _____ ” _____

201_ й.

Мундарижа

Кириш

1. Технологик қисм

1.1 Маҳсулот номенклатураси

1.2 Ишлаб чиқариш усулини танлаш ва асослаш

1.3 Корхонанинг иш режими

1.4 Буюм турлари бўйича корхона маҳсулдорилигини ҳисоблаш

1.5 Хом ашё ва ярим фабрикатларга цех(корхона)нинг талабини аниqlаш

1.6 Технологик линияларни лойиҳалаш

1.7 Иссиқлик билан ишлов берувчи камералар сонини ва қолиларнинг зарурий сонини ҳисоблаш

1.8 Технологик асбоб ускуналарни танлаш ва ҳисоблаш

1.9 Цемент омборини ҳисоби

1.10 Тўлдирувчилар омбори ҳисоби

1.11 Бетон қориш цехи ҳисоби

1.12 Тайёр маҳсулотлар омбори ҳисоби

2. Ҳисобий қисми

3. Иқтисодий қисм

4. Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Мустақилликнинг 25 йили давомида демократик жамият ва бозор иқтисодиётини барпо этишга йўналтирилган босқичма-босқич ислоҳотлар сиёсати Ўзбекистон аҳолиси фаровонлигини яхшилашда анчагина ижобий ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга олиб келди. Шунингдек ёш республика жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олиниб, унда ўз мавқеига эга бўлди. Бунда фаол инвестицион сиёсат юритиш ва мавжуд барча молиявий, интеллектуал ва бошқа ресурсларни импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган, ҳом – ашёмизни қайта ишлашни назарда тутувчи ишлаб чиқаришни яратишга йўналтириш катта рол ўйнайди. Иқтисодий асосланган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларига ташки сармоялар ва кредитларни жалб этиш, бугунги кунда халқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш борасида белгилаб олинган мақсадларга эришишнинг энг муҳим ва устувор вазифаси сифатида қаралмоқда.

Республика халқ хўжалигининг асосий тармоқлари қаторида қурилиш материаллари саноати етакчи рол ўйнайди. Бу ўз ҳом ашё базасига эга эканлигимиз, қурилиш материаллари, саноат ва уй-жой конструкцияларига бўлган юқори эҳтиёж ҳамда малакали мутахассисларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000 – йилда мамлекатимиз ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин.

Саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тан нархи 18% га камайди. “Олмалиқ тоғ кон металлургия комбинати”, “Ўзкомметкомбинат”, акциядорлик ишлаб чиқариш комбинати, “Ўзқурилишматериаллари” компанияси сингари ва бошқа корхона ва тармоқларида 20-25% га камаяди. Инвестиция дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш ички

манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш техник ва технологик қайта жиҳозлаш транспорт коммуникацияларни янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектлари ва ижтимоий барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланади.

Республикамизда жами 22 та йирик ишлаб чиқариш обьекти жумлдана, нефть-газ, кимё, металлургия саноатида 8 та, машинасозлик саноатида 9 та ва қурилиш индустриясида 5 та обьект фойдаланишига топширилди. Қишлоқ қурилиш банк ва “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” лойиҳалаш институти каби ихтисослаштирилган тузилмалар ташкил этилди.

Уй – жой обьектлари қурилиши бўйича 22 та наъмунавий лойиҳа, ижтимоий обьектлар қурилиш бўйича 16 та лойиҳа, комплекс қурилишлар бўйича наъмунавий режалар ишлаб чиқилди ва бу лойиҳалар республика ва минтақавий кўргазмаларда кенг муҳокама этилганидан кейин тасдиқланди шу борада ихтисослаштирилган “Қишлоқ қурилиш инвест” буюртма компанияси ташкил этади, мамлекатимиз бўйича 42 та массивда янги уй-жойлар қурилиш бошлаб юборилди, 2014 йил инвестиция дастури доирасида фақат уй-жой қурилиш учун “Қишлоқ қурилиш банки” орқали аҳолига 250 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Бу 2013 йилда ушбу мақсадлар учун йўналтирилган маблағ микдоридан 4 марта кўп демакдир. Айни вақтда якка тартибда уй қупувчиларнинг ўзлари ҳам 70 миллиард сўмга яқин маблағ сарф этиш кутилмоқда.

2017 йилда мамлекатимиздаги барча 159 та қишлоқ туманида умумий қиймати 470 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 7 минг 630 та уй-жой қурилиши режалаштирилган.

Бунда нафақат замонавий ва қулай натижалар кўриш, айни вақтда болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, мусиқа ва мактаб санъат мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, хизмат кўрсатиш обьектлари, тиббиёт муассасалари кенг ва равон йўллар қуриш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда барча зарур ижтимоий ва коммуникация инфратузилмасига эга бўлган изчил ривожланиб ишлаётган ва иқтисодий корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси амалда ўзини тўла оқлади, шу сабабли эски техника ва технологиялар асосида ишлаётган, ҳеч қандай иқтисодий истиқболи бўлмаган корхоналарни тугатиш ва уларнинг негизида янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

2017 йилда махаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилгига нисбатан 40% га ўсиши, шу борада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг улуши эса камида 12 % ни ташкил қилиши кутилмоқда.

2017 йил “Соғлом бола йили” деб эълон қилинди. “Соғлом бола йили” Давлат дастури 7 бўлим ва 125 банддан, унда болалар туғилиши, таълим тарбияси, оиласда соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-аҳлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар акс этган.

“Соғлом бола йили” Давлат дастурида оиласда меҳр-оқибат ва ўзаро хурмат муҳити, юксак аҳлоқий ва маънавий қадриятларни барқарор қилиш, ёш оиласларни моддий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўз иқтидорини рўёбга чиқариш учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг кундалик рўзгор юмушларини енгиллаштириш каби вазифалар белгиланган.

Мамлакатда 130 маданият ва дам олиш марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўн бешта янги маданият ва истироҳат боғларини барпо этиш, мавжуд йигирма тўққизтасини реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилган.

Маишӣ техника ишлаб чиқариш ва уни харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратишни кенгайтириш ҳисобига хотин-қизларнинг маишӣ шароитларини яхшилаш ва рўзгор юмушларини енгиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. 194 тумандаги олис қишлоқларда гўзаллик салони,

тикувчилик, таъмирлаш устахоналари ва бошқа хизмат кўрсатиш корхоналаридан иборат наъмунавий майший хизмат мажмулари очилади. Қишлоқ оиласарини замонавий уй-жой билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш доирасидаги ишлар янги босқичга кўтарилади. 2017 йилда наъмунавий лойиҳалар асосида 11 минг якка тартибдаги уйлар қурилиши мўлжалланган. Икки минг ёш оиласа уй-жой қуриш ва мамлакатда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун фоизсиз ссудалар берилади. Туманлар марказлари ва қишлоқларда сув таъминоти ва канализация тизимларини яхшилашга доир қатор янги лойиҳалар амалга оширилади.

Давлат дастурида 60,1 мингта ўқув ўрнига мўлжалланган 380 умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, уларни компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа ускуналар билан таъминлаш белгиланган. Бундан ташқари, 161 касб-хунар коллежи ва академик лицей, 48 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 110 болалар спорт обьектларини қуриш, реконструкция қилиш ва тубдан таъмирлаш режалаштирилган.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, қурилиш корхоналарида санитария талаблари ва унга риоя қилиш устида қатъий тизимли назорат ўрнатиши зарур. Аҳоли яшаш жойларининг табиий иқлимий шароити ва рельефи ва юртимиз ҳудудларининг ижтимоий демографик хусусиятларини ҳисобга олган, замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини қўллаган ҳолда, якка тартибда қуриладиган уйлар, ижтимоий маданий ва санитария майший обьектларини лойиҳалашда, такомиллаштириш ишларини давом эттириш лозим.

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа ваqt ичida иқтисодиётда чукур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадарининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини

кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва муентазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари ислом Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислоҳотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Республикамида фаол инвестицион сиёsat юритиш ва мавжуд бор молиявий интеллектуал ва бошқа ресурсларни импорт ўрнига босувчи ва экспортга чиқариш мумкин бўлган ўз заминимиз хом ашёсини қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш соҳасини яратишида каттадир.

Иқтисодий асосланган инвестицион режаларни бажариш ва республикамиз иқтисодиётининг устувор тармовларига ташқи давлатлар сармояси ва кредитларни жалб этиш, халқ жамоатига таркибий ўзгаришларни ривожлантириш мақсадида белгиланган энг муҳим ва устивор вазифа деб қаралмоқда.

Давлатмиизда бу вазифани бажариш учун инвестицион фаолият кўрсатишга қулай бўлган мухит ва шарт-шароитлар, ҳуқукий меъёрлар яратилди. Анчагина етакчи донор давлатлар ва халқаро молиявий ва саноат ташкилотлари ўз инвестициялари ва кредитларини ажратишга тайёр эканликларини билдиради.

Юзага келган барча имтиёзлардан унумли ва оқилона фойдаланиш учун самарали ишлаб чиқариш турларини лойиҳалаштириш ва уларни тадбиқ этиш талаб қилинади.

Республика халқ хўжалигининг асосий тармоқлари орасида қурилиш материаллари салмоқли ўринни эгаллайди. Бу эса ўз хом ашё бозоримизга эга эканлигимиз, саноат, қурилиш материаллари ва уй-жой конструкцияларига

бўлган юқори эҳтиёж ва малакали мутахассисларнинг бирлиги билан ифодаланади.

Ҳозирги кунда амалга оширилаётган катта хажмдаги капитал қурилишлар, қурилиш конструкцияларнинг ривожланиши жуда тез жадаллашувига туртки бўлди.

Бетон ва темир бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қурилиш ишларини самарадорлиги ва сифати бўйича талаблар қўйилади. Буларни муваффақиятли равишда амалга ошириш учун, асосан материал ва конструкциялар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, серметалл, қурилиш қиймати ва сермеҳнатлилигини, бино ва иншоотларни оғирлигини пасайтиришни таъминловчи ҳамда уларни қурилиш ва эксплуатация қилишдаги жами энергетик маблағлар сарфини камайтиришга эришиш керак.

Бундай вазифаларни ҳал этишда асосий қурилиш материали ҳисобланган бетон ва темир-бетонга катта аҳамият берилади.

Бетон технологияси ва темир-бетон соҳасини ривожланишини, уни ишлаб чиқариш ва ишлатилишини ўсиши, бу соҳадаги илм-фан ва техникада эришилган ютуқлар ва қурилишни қувватли индустрiali базасини барпо этилиши билан узликсиз боғлиқ.

Капитал қурилишда материал ресурсларининг умумий нархини 25%га яқини бетон ва темир-бетон конструкцияларига тўғри келади. Бу бошқа қурилиш конструкцияларининг нарҳи ва ҳажмидан анча юқоридир. Бетон ва темир-бетон ўзининг физик-механик ҳусусиятлари, чидамлилиги ва ишлаб чиқаришда техник-иқтисодий самарадорлиги ҳамда ҳом ашё ресурсларининг етарли даражада эканлиги билан ҳозир ва келажакда капитал қурилишда энг юқори потенциалга эга бўлган қурилиш материали бўлиб қолади.

Йиғма темир-бетон саноатининг ривожланиши ва ҳозирги кундаги холати. Йиғма темир-бетонни ривожланишига цемент, металлургия, машинасозлик саноатларини ривожланиши сабаб бўлди, ҳамда унинг технологиясини ривожланиши цемент ва бетонлар ҳақидаги фанга мустаҳкам илмий асосланган.

Бетон технологияси ва йиғма темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқаришни ривожлантиришда асосий йўлланмалар қўйидагилар бўлиши керак: йиғма темир-бетон конструкцияларни сифат даражаси ва самарасини ошириш; ишлаб чиқаришда меҳнат сарфини ва металл сарфини камайтириш; боғловчи моддаларнинг самарали турлари, арматура пўлатлари, юқори сифатли тўлдирувчилар ва комплекс химик қўшимчаларни кўплаб ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш, конструкцияларини оғирлигини камайтириш ва ўлчамларини катталаштириш; бетон ва темир-бетон конструкцияларини ишлаб чиқариш технологиясини тубдан яхшилаш учун энг замонавий технологик жараёнларни кенг кўламда тадбиқ қилиш; юқори унумдор автоматик ускуналарни, роботларни, манипуляторларни ишлатиш; бетонларнинг ҳоссаларини аниқлашда маҳсулотларнинг сифатини бошқариш ва назорат системасини энг сифатлисини қўллаш; ҳисоблаш техникасидан кенг фойдаланиш; чиқиндига чиқармайдиган ва ресурсларни тежамлаш технологиясини қўллаш; саноат чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотларни кенг кўламда қўллаш; ишчи, энергия ва материал ресурсларини тежамкорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиш даркор.

1. Технологик қисм

1.1.Маҳсулот номенклатураси

Мамлакатимизда саноат ва турар-жой бинолари қурилишида бир хил турдаги йиғма темир-бетон конструкциялари 90 фоизга яқинни ташкил қиласы. Йиғма темир-бетон маҳсулот ва конструкциялари асосан узун, текис юзали, блокли, ҳажмли ҳолда ишлаб чиқарылады. Узун конструкциялар ва маҳсулотларга колонналар, фермалар, ригеллар, түсінлар, устунлар; текис юзалиларга – ёпиш плиталари, девор ва түсиш панеллари, бункер ва резервуар деворлари; блокларга – оғир фундаментлар, ертұла деворлари; ҳажмиларга – санитар-техник кабиналар, блок хоналар, силосларнинг коробкали элементлари, қудук ҳалқалари ва бошқалар киритилади.

Ораёпма плиталари текис, бүшликли ва қовурғали қилиб тайёрланади. Улар 6, 9 ва 12 м узунликда, эни 2, 4, ва 1,5м ва қалинлиги 220-300мм да тайёрланади. Кесими П шаклидаги қовурғали плиталар 8,8x1,5x0,4 м ўлчамда, массаси 4 т гача тайёрланади. Катта оралиқлар учун 2Т туридаги қовурғали плиталар тайёрланади, уларни ўлчамлари 15x3x0,6 м, массаси 11 т гача. Плиталар А-III ва Вр-I симли пўлат арматура тўри ва каркаслар билан арматураланади. Оралиқлари 3 м дан катта бўлганда плиталарни олдиндан зўриқтирилган юқори мустаҳкамлик арматуралар билан арматуралаш мақсадга мувофиқ.

Ораёпма плиталар М200 – М400 маркали бетонлардан тайёрланади. Плиталар АІІІ ва В_p-I симли пўлат арматура тўри ва каркаслар билан арматураланади. Оралиқлари 3 м дан катта бўлганда плиталарни олдиндан зўриқтирилган юқори мустаҳкамлик арматуралар билан арматуралаш мақсадга мувофиқ.

Диплом лойиҳада ишлаб чиқариш учун қабул қилинган буюмларнинг асосий кўрсаткичлари 1.1-жадвалда келтирилган.

1.1-жадвал

| Буюм маркаси | Буюм эскизи | Үлчов бирликлари, мм | | | Битта маҳсулот учун бетон сарфи, V_m , м ³ | Битта маҳсулот учун арматура сарфи, кг | 1 м^3 бетон учун пўлат- нинг солиши- тирма сарфи, кг/м ³ |
|------------------|-------------|----------------------------|------|------------|--|---|---|
| | | узунлиги | ЭНИ | баландлиги | | | |
| Ораёпма плита | | 6260 | 1200 | 220 | 0,907 | 50,08 | 55,21 |

1.2.Ишлаб чиқариш усулини танлаш ва асослаш

Йиғма бетон ва темир-бетон буюмларини ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнлар қатор мустақил операциялардан ташкил топиб, алоҳида жараёнларга бирикади. Операциялар шартли равишда: асосий, ёрдамчи ва транспортли турларга бўлинади.

Асосий операциялар бетон коришмасининг тайёрланиши ва қоришмани ташкил қилувчи материалларни тайёрлаш; арматура маҳсулотлари ва тайёр каркасларнинг тайёрланиши, маҳсулотларни арматуралаш ва қолиплаш; қолипланган маҳсулотга иссиқлик билан ишлов бериш; тайёр маҳсулотни қолипдан кўчириш ва қолипларни кейинги циклга тайёрлаш, баъзи бир маҳсулотларнинг юза қисмини пардозлашдан иборат. Асосий технологик операциялардан ташқари ҳар бир босқичда ёрдамчи операциялар ҳам бажарилади: сув ва буғларнинг, сиқилган ҳаво, электр энергиясининг олиниши ва узатилиши, хом-ашё ва ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларнинг сақланиши, операциялар ва тайёр маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш ва бошқа асосий операцияларни бажариш учун

зарур этаплар олиб борилади.

Транспорт воситаси билан бажариладиган операция(жараён)лар, бу материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларни холат ва қолипини ўзгартирмай кўчиришдир.

Бажариладиган операцияларга мос қўлланиладиган асбоб-ускуналар бажарадиган вазифасига қараб асосий-технологик, ёрдамчи ва транспорт деб аталади.

Асосий ва транспорт асбобларида маълум кетма-кетликда бажариш учун мўлжалланган операциялар технологик тизим дейилади.

Йиғма темир-бетон ишлаб чиқаришда энг тарақкий этиб ривожланаётган технологик жараённи ташкил этиш узлуксиз ишлаб чиқариш ва тайёрланаётган маҳсулотнинг турига қараб технологик тизимни ниҳоятда маҳсуслаштиришдир.

Узлуксиз ишлаб чиқаришнинг асосий қонун қоидаси ўрнатилган асбоб-ускуналардан тўлиқ фойдаланиш, механизация комплекси, ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштиришни назарда тутиш керак. Бу қоида ҳар бир иш жойида бажариладиган операцияларнинг цикл даврини бир-бирига мослашган ҳолда бир маромида бажарилишини ўз зиммасига олади. Бир маромда ишлаш учун маълум операцияни бажаришда ўрнатилган вақт микдорини доимий бўлишига ва қатъий вақт интервали билан циклга риоя қилиш талаб қилинади. Синхронлаш технологик тизимда операцияларни бир-бирига мослаб алоҳида қисмларга бўлишда ҳар бир қисмдаги операцияларнинг цикл муддати шу технологик поток (конвейер)нинг ҳар бир қисмидаги цикл муддатига teng бўлишини таъминлайди. Цикл 2 ёки 3 марта катта бўлган оқимли қисмларда ишчи ёки мослама ўрни ҳам мос даражада оширилиши керак, чунки бошқа тизимда қисмларда ишлаб чиқариш имконияти пасаймаслиги керак ва қабул қилинган маромда маҳсулот олиниши керак. Узлуксиз оқим маҳсулотни қисмдан қисмга узатилишида ишлаб чиқариш майдонидан унумлироқ фойдаланиш имконини беради.

Темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган завод таркибига

куйидаги: цехлар, иншоот ва бинолар, боғловчи, тўлдирувчи ва пўлат арматура омборхонаси, бетон қориш цехи, арматура цехи (тайёр арматура маҳсулотлари билан), қолиплаш цехи, бетон қотишини тезлаштириш, пардозлаш ва маҳсулотларни йиғиши, ёрдамчи хизмат ва маъмурий-маиший бинолар, цехлараро ва цехлар ичида транспортлар, водопровод (сув манбаси) ва канализация, иссиқ ва энергетик қувватлар хўжалиги, нозимхона ва алоқа тармоқлари киради. Турли завод ва комбинатларнинг бажарадиган вазифаларига кўра бош лойиҳаси ўзаро бир-бирига яқин, факат корхона қувватига боғлиқ ўлчов ва ўрнатиш ечимлари ва ишлаб чиқариладиган конструкция номи билан фарқ қиласди.

Қолипловчи технологик қаторлар бетон қотишини тезлатувчи бўлимлар билан, шунингдек арматура тайёровчи ва арматурали каркаслар қаторини бажарадиган жараёнлар билан ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиб, жойлаштирилади.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулот самараси асосан мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиласиган асосий технологик операцияларнинг бажарилиши маҳсулотни қолиплаш ва бетон қотишини тезлатишга боғлиқ. Бу операциялар маҳсус машина, механизмлар ва асбоб-ускуналар қўлланиладиган технологик тизимнинг маҳсулот тайёrlаш усулини аниқлайди. Йиғма темир-бетон заводларида технологик жараённи ташкил этишда поток усули қабул қилинган, унинг моҳияти шундан иборатки, бутун жараён айrim операцияларга бўлинади, улар маҳсус ускуналар билан жиҳозланган алоҳида иш жойларида қатъий кетма-кетлик билан бажарилади. Ҳар бир иш жойида қабул қилинган ишлов бериш усули, асбоб-ускуна ва ташкилий тизим бир ёки бир неча ўзаро яқин технологик операциялар бажарилади.

Операцияларни ҳар бир иш жойида тўлиқ синхронлаш жараённи янада деталлар бўйича бошқа операцияларга бўлиш билан эришилади. Йиғма темир-бетон ишлаб чиқаришда ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг икки усули кенг тарқалган: кўчма ва кўчмас қолипларда, улар бири-биридан

қолип, маҳсулот, машина ва ишчиларни кўчиш шартлари билан фарқ қиласди.

Маҳсулотларни кўчма қолипларда тайёрлашда технологик жараён 3 асосий усул билан ташкил қилинади: агрегат-поток ва ярим конвейер, ҳамда даврий ва тўхтовсиз ҳаракатланадиган конвейер усулларида.

Бу усулларда бир ёки бир неча бир-бирига боғлиқ операциялар бажариш учун постлар стационар ва ихтисослаштирилган бўлиб, ускуна ва ишчилар алоҳида постларга бириктирилади. Технологик жараённи кўчмас қолипларда ташкил этиш стенд ва кассета усуллари билан бажарилади.

Агрегат кетма-кетлик усулини ташкил етиш асослари

Агрегат-поток усули билан ишлаб чиқаришда маҳсулот вибрация майдонида ёки маҳсус ўрнатилган мосламалар-агрегатлар, яъни қолиплаш машинаси, бетон ётқизгич ва қолипни қолиплаш постига жойлаштириш учун қўлланадиган машиналардан иборат агрегатларда қолипланади.

Бу усулда қолипдаги маҳсулот поток бўйича сурилганда ҳар бир ишчи постида тўхташ зарурати бўлмай, маҳсулот ишлаб чиқаришда зарур бўлган постлардагина тўхтайди. Бундай ҳолатда тўхташ муддати ҳар бир постда турлича бўлиши мумкин. Тўхташ муддати бажарилиши керак бўлган технологик операцияга сарфланадиган муддатга боғлиқдир. Бу турли постда турли технологик асбоб-ускуна ўрнатиш, бир йўла бир неча турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Бир тур маҳсулот ишлаб чиқаришдан бошқа тур маҳсулот ишлаб чиқаришга осонгина мосланади. Агрегат-поток тизимида қолиплар вибромайдонга қолип тахловчи ёрдамида узатилади.

Технологик тизим таркибига: бетон қуювчи билан қолипловчи агрегат, арматурани механик чўзиш ёки электрик қиздириш учун мосламалар тайёрлаш, қолип тахловчи, қотириш камераси, қолипдан кўчириш қисми, техник назорат, қолипларни тозалаш ва мойлаш пости, арматура заҳирасининг майдони, резерв қолиплар ва уларни доимий таъмирлаш ва тайёр маҳсулотни синаш стендлари киради.

Агрегат-поток технологияси юқори мослашганлик, технологик ва транспорт воситаларининг ўз вазифасини бажаришда маневрлиги, иссиқлик билан ишлов бериш тартиби билан фарқланади, бу катта номенклатурали маҳсулотни ишлаб чиқаришда муҳимдир.

Технологик жараён асосан муайян, иш постларида бажариладиган қуидаги операциялардан ташкил топган маҳсулотни, қолипдан бўшатиш ва кўриб чиқиш, қолипларни йиғиш; қолипларни тозалаш ва мойлаш, арматура каркасини ётқизиш ёки зўриқтириб арматуралаш; қолиплаш постида бетон қоришимасини ётқизиш, тақсимлаш ва зичлаш; маҳсулотни камерага жойлаш, иссиқлик билан ишлов бериш ва уларни камерадан чиқариш. Технологик жараённинг маълум қисмида операция асосан бошқалари билан бир вақтда бажарилади, масалан: маҳсулотни қолипдан бўжатиш, уларни кўриб чиқиши ва қолипларни тайёрлаш ишлари маҳсулотни қолиплаш вақтига тўғри келади.

Агрегат-поток технологик қаторининг ишлаб чиқариш маҳсулдорлиги маҳсулотни қолиплаш циклининг давомийлиги билан аниқланади ва у қолипланаётган маҳсулот ўлчовига боғлик бўлиб кенг кўламда ўзгариб туради (5-20 мин).

Қолиплаш ва буғлаш цехининг ишлаб чиқариш технологик схема-сини танлашда ишлаб чиқариладиган маҳсулот номенклатураси ва иш-лаб чиқариш ҳажмини ҳисобга олиш зарур.

Кичик ва ўртача қувватдаги кам серияли темир-бетон маҳсулот-ларини ишлаб чиқариш заводларида агрегат-поток усулини қўллаш ўзини оқлаган. Катта бўлмаган ишлаб чиқариш майдонида мураккаб бўлмаган асбоб-ускуна билан, кам сарф билан қуриладиган агрегат усули тайёр маҳсулотни цехнинг 1m^2 ишлаб чиқариш майдонидан юқори ҳажмда олиш имконини беради. Бу усул асбоб-ускуналарни қайта ўрнатиш ва бир маҳсулотдан иккинчи маҳсулотни ишлаб чиқа-ришга ортиқча сарф харажатсиз ўтиш имконини беради. Агрегат усули билан ишлаб чиқаришга ёпма ва ораёпма плиталар, силлиқ ва қовурғали қопламалар, вибрамайдонда якка ва гурухли

қолипларда, колонналарни тайёрлаш, қозиқ, (свай) ва 7,2 м гача узунликдаги регеллар фундамент блоклари, босимсиз труба ва шпаллар киради. Агрегат технологияси бўйича кўп бўшлиқли плита, бир бўшлиқли таянч ва қозиқлар, вибра-майдонда алоҳида қолипларга қўйилиб, вибромеханизмсиз бўшлиқлар қилиш, кўп бўшлиқли плиталар вибромеханизм ўрнатилган постларда бўшилқ ҳосил қилувчилар иштирокида қолипланади. Агрегат технология бўйича роликли ва камарли центрифугада қисмларга ажратиладиган ва ажратилмайдиган қолипларда босимли ва босимсиз трубалар, бўшилқли колонналар, тирговичлар, ЛЭП ва ёритгичлар таянchlари тайёрланади. Махсус ускунада виброгидропресслаш билан босимли трубалар ишлаб чиқарилади. Ташқи тўсиқ панеллари, лоджа экранлари, зинапоя маршлари зарбли столда пўлат ва нометалл қолипларда; блок хоналар, санитар техник кабиналар махсус агрегатларда вакуум технологияси ёрдамида қолипланади.

Технологик жараённи алоҳида кўп миқдордаги элемент жараёнларга бўлиш бир ритм жараёнига риоя қилинганда поток ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин, бунда зарур транспорт воситалари билан таъминланади. Бундай технологияни ярим конвейер усулига киритилади. Бу усул юк шитли вибромайдонда якка ёки гурухли қолипларда ёпма ва ораёпма плиталарини қолиплашда, шунингдек текис ва қовурғали панеллар, колонна, 7,2м узунликдаги ригелларни қолиплашда кенг қўлланилади.

Конвейер усулини ташкил этиш асослари

Конвейер усули — такомиллашган поток-агрегат усули билан темирбетон маҳсулотларини қолиплашдир.

Технологик конвейер тизимлар — конвейерлар, ҳалқа йўл билан суриладиган қолип-вагончалар, технологик операцияларни кетма-кетлик билан бажарилиши билан характерланади. Ишлаб чиқаришни ташкил қилишда ушбу технологик жараён қатор цикларга бўлинади, қолипни берилган тезлик билан ҳаракатланиш чоғида кетма-кет ҳар бир конвейер постида цикл бажарилади ва умумий занжир ҳосил қиласиди.

Конвейер мажбурий ритм ҳаракатида постга етиб келиш вақтини

аниқлайдиган, кўп меҳнат талаб қиласидиган циклнинг бажарилиши учун зарур, ҳамма цикллар учун бир хил муддат билан ишлайди. Конвейер технологияси асбоб-ускуналарни қулай ўрнатиш ва ишлаб чиқариш майдонидан унумли фойдаланиш имконини беради. Бунда деярли ҳамма жараёнлар механизацияланади, ишни яхши ташкил қилиш таъминланади, алоҳида иш ритмига риоя қилинади.

Иссиқлик агрегатлари, қоида бўйича конвейер халқасининг қисми ҳисобланади ва мажбурий ритмда ишлайди. Бу, технологик постлар орасида бир хил оралиқни (конвейер қадами) бир хил ўлчовли қолип, иссиқлик агрегатининг ёйилган узунлигини таъминлайди.

Конвейер тизимлар иш турига қараб даврий ва тўхтовсиз ҳаракатдаги тизимга, транспортдан фойдаланишига қараб-рельсда ҳаракатланадиган ёки роликли конвейер қолиплар қаторига, узлуксиз пўлат тизим ҳосил қилувчи қолиплар ёки бир қатор элементлар ва борт ускуналаридан тузилган; иссиқлик агрегатлари жойлашиши конвейерга нисбатан параллел юзага қараб, горизонтал ёки вертикал, шунингдек конвейернинг қолиплаш қисми ўзагида ташкил топган. Конвейер технологияси бир турдаги маҳсус тизимда ишлатилиши (ёпма ва ораёпма, ички ва ташқи девор панеллари) асосан юқори қувватли заводлар учун самаралидир. Оддий ҳамда, зўриқтирилган арматурали колонна ва ригеллар, санитар-техник кабиналар учун ҳам конвейерни кўллаш мумкин.

Маҳсулот ҳаракатланадиган узлуксиз конвейер тизимни ҳосил қиласидиган кўчма поддонларда ишлаб чиқарилади. Конвейердаги постлар сони ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва уларни пардозлаш даражасига (коида бўйича улар 6-15 та бўлади) боғлиқ. Постлар технологик жараёндаги операцияларни бажарадиган машиналар билан жихозланган. Конвейернинг иш ритми асосан 10-22 мин, сурилиш тезлиги эса 0,9-1,3 м/с ташкил этади.

Конвейер тизими постларида қуйидаги операциялар кетма-кет бажарилади: қолипни тайёрлаш, унга арматура ва бетон қоришимасини ётқизиш, уларни тақсимлаш ва зичлаш, қолипни маҳсулот билан узлуксиз

иссиқлик билан ишлов бериш камерасига узатиши, қолипни маҳсулот билан берға камерадан чиқариш, қолипдан маҳсулотни күчириш ва тайёр маҳсулотни текширувдан ўтказиш. Конвейер усули билан темир-бетон ишлаб чиқариш технологик жараёнини комплекс механизациялаш, автоматизациялаш имконини беради, ишлаб чиқаришни маҳсулдорлигини сезиларли оширади ва технологик асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш билан ишлаб чиқарыладиган тайёр маҳсулот сони ортади.

Бу усулнинг қўлланилиши чегараланган номенклатурали маҳсулот ишлаб чиқаришда оқилона йўлдир.

Стенд технологиясини ташкил қилиш асослари

Стенд технологиясининг моҳияти шундан иборатки, маҳсулотни қолиплаш ва уларни қотириш қўзғатилмаган холатда маҳсус ўрнатилган стенда бажарилади. Қуючи ва бошқа технологик асбоблар, шунингдек уни ишчи қисмлари бир қолипдан иккинчи қолипга стенда сурилади.

Бу усул катта майдонни талаб қилиши билан берға, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришни мураккаблашиши билан катта меҳнат талаб қиласи.

Стенд технологияси катта ҳажмдаги катта ўлчовли-ферма, икки томонлама нишабли балка ва катта оралиқли конструкцияларни, узунлиги 12м дан ортиқ бўлган колонналарни тайёрлашда жуда қулайдир. Стендларда зўриқтириладиган маҳсулотлар тайёрланади. Айниқса бу усул, олдиндан зўриқтириладиган буюмлар учун самаралидир, қайсики поток- агрегат ёки конвейер тизимида тайёрланиши мақсадга мувофиқ эмас. Стенд усули асбоб-ускуналарга мураккаб бўлмаган оддий ўзгартиришлар киритилиши билан кенг номенклатурали маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда стендларнинг икки тури қўлланилади: узун ва калта. Узун стендлар (пакетли ва тортувчи) бир неча маҳсулот стенд узунлиги бўйича бир вақтда ишлаб чиқилганда қўлланилади. Арматура пакетининг турли усуллар билан тайёрланиши пакетли стендлар асбоб-ускунаси хусусиятлари, ишлаб чиқаришнинг механизациялаш даражасини

аниқлайди. Пакетли стендда шпаллар, свайлар таянчлар, тирговичлар, балкалар ва бошқа кичкина күндаланг кесимли ва арматуралар қулай жойлашган маҳсулотларини ишлаб чиқариш самаралидир. Қисувчи ва ушлаб қолиш мосламалари ихчам ўлчовли ва нисбатан енгил, ундан фойдаланиш қулай.

Күндаланг кесими катта бўлган эни ёки баландлиги маҳсулотлар (балка, тўсин (ҳари), плиталар) катта стерженли арматурани якка ёки гурухли зўриқишига талаб бўлса, тортувчи стендда бажариш самаралидир.

Калта стенкларда узунлиги бўйича битта, кенглиги бўйича битта ёки иккита маҳсулот кўпинча горизонтал ҳолатда (ферма, икки нишабли тўсин) тайёрланади. Калта стенкларда арматура электр билан қиздириш ёки гидро домкрат билан чўзилади. Узун стенклар 70 дан 120м гача узунликда бўлиб, уларда умумий олдиндан зўриқтирилган конструкцияларда юклаш даражаси чегараланган ва турғун номенклатурали маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

1.3. Корхонанинг иш режими

Йигма темир-бетон буюмлари корхоналари учун қуийдагилар қабул қилинади:

- бир йилдаги иш кунлари сони-262;
- темир-йўл транспортидан хом ашё ва материалларни тушириш бўйича -365;
- суткадаги иш сменалари сони (иссиқлик ишловсиз)-2;
- иссиқлик ишлови учун суткадаги иш сменалари сони-3;
- хом ашё ва материалларни қабул қилиш ҳамда тайёр маҳсулотларни жўнатиш бўйича суткадаги иш сменалари сони:
 - а) темир-йўл транспортни билан-3;
 - б) автотранспорт билан-2 ёки 3, маҳаллий шароитларга кўра.

Асосий технологик ускунанинг йиллик иш вақти фондини 247 кун деб қабул қилинади.

Асосий технологик ускунадан фойдаланишнинг йиллик коэффициенти – 247:262 = 0,943, 350:365 = 0,959.

1.3-жадвал

Корхона иш режими

| № | Цех ёки бўлимлар номи | Йилда -ги кунлар сони | Сутка-даги смена | Смена-нинг давомий лиги, соат | Иш вақти-нинг фонди, соат | Эксплуатац ион вақтдан фойдаланиш коэффицие нти | Эксплуа тацион вақтнин г йиллик фонди, соат |
|---|-----------------------|-----------------------|------------------|-------------------------------|---------------------------|---|---|
| 1 | Колиплаш | 262 | 2 | 8 | 4192 | 0,943 | 3953 |
| 2 | Иссиклик ишлови | 365 | 3 | 8 | 8760 | 0,959 | 8400 |

1.4. Буюм турлари бўйича цех маҳсулдорлигини ҳисоблаш

Цех (корхона)нинг йиллик режаси ва буюмлар номенклатураси топшириқда берилади. Цехнинг қабул қилинган иш режимидан келиб чиқиб, буюм ва яримфабрикатларни мумкин бўлган ишлаб чиқаришдаги брак ва алоҳида тизимларда йўқотишни ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш режаси ҳисобланади.

Мумкин бўлган ишлаб чиқаришдаги йўқотиш ва браклар учун миқдорлар тавсия этилади.

Темир-бетон буюмлари заводлари учун:

-бетон қоришимаси бўйича -0,5% гача;

-буюм бўйича -1,0% гача.

Ҳар бир технологик тизим учун ишлаб чиқариш маҳсулдорлиги қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$M = \frac{M_m}{1 - B/100}; m^3$$

бу ерда, M_x - ҳисобланаётган тизим маҳсулдорлиги;

M_t - цех (корхона)нинг берилган маҳсулдорлиги (топшириқ);

Б - бракдан йўқотишлар -1,5%.

$$M_x = \frac{42000}{1 - 1,5 / 100} = 42640 \text{ м}^3$$

1.4-жадвал

Цех (корхоналар) нинг ишлаб чиқариш режаси

| № | Буюм номи | Ўлчов бирлиги | Йиллик ишлаб чиқариш маҳсулдорлигиниң аниқлаш формуласи | Маҳсулдорлик | | | |
|---|-----------------|---------------|---|--------------|---------|---------|--------|
| | | | | йилда | суткада | сменада | соатда |
| 1 | Ора- ёпма плита | м^3 | $M_x = \frac{M_m}{1 - \frac{1,5}{100}}$ | 42640 | 162,75 | 81,37 | 10,17 |
| | | дона | M_x/V_m | 47012 | 179 | 89 | 11 |

1.5. Хом ашё ва яримфабрикатларга цех (корхона)нинг талабини аниқлаш

Бетоннинг сифати кўп жиҳатдан ишлатиладиган материаллар сифатига боғлиқ. Ишлатиладиган материалларни хусусиятлари стандартларга (ГОСТ) ҳамда КМК талабларига жавоб бериши керак.

Қурилишда цемент ёки бошқа ноорганик боғловчи моддалардан тайёрланган бетондан кенг кўламда фойдаланилади. Бу бетонлар асосан сув билан қориширилади. Бетоннинг фаол ташкил этиувчилари цемент ва сувдир, уларнинг реакцияга киришиши натижасида тўлдирувчи зарраларини бириктирадиган яхлит қўйма цемент тоши ҳосил бўлади. Цемент ва сув бетоннинг фаол таркибий моддалари ҳисобланади: улар орасидаги реакциялар натижасида тўлдирувчи зарраларини яхлит монолитга боғловчи цемент тоши пайдо бўлади.

Портландцемент – бу клинкерни майда қилиб туйиб олинган маҳсулотдир. Клинкер хом ашё аралашмасини ($75\% \text{ CaCO}_3$ – оҳактош ва 25% гил тупрок) пишгунича қиздириб, таркибида кальций силикат ($70\dots80\%$), алюминат ва алюмоферрит фазалари ($20\dots30\%$) ҳосил бўлгандаги донадор маҳсулотдир. Майдалаб туйиш вақтида клинкерга $3\dots5\%$ миқдорида гипс қўшилади.

Цементга сув қўшиб аралаштирилган вақтда таркибидаги гипс сувда эрийди. Цементни сув билан ўзаро бирикиш жараёнида (гидратация вактида) гипс уч кальцийли алюминат билан боғланиб $3\text{CaO} * \text{Al}_2\text{O}_3 * 3\text{CaSO}_4 * 3\text{H}_2\text{O}$ - гидросульфоалюминат кальций деб аталадиган юқори сульфатли кўринишга эга бўлган, табиий этрингитга ўхшаш минералга айланади. Гидросульфоалюминатни ҳосил бўлиши цементни қотишини $3\dots5$ соатга секинлаштиришга имкон беради.

Портландцемент олиш учун таркибида кальций карбонат ва алюмосиликати кўп бўлган хом ашё ишлатилади. Буларга оҳактош ёки бўр ва гилтупроқ жинслари ва таркибида карбонат ва алюмосиликати кўп бўлган оҳакли мергеллар киради.

Портландцемент таркибидаги турли минералларнинг тахминий миқдори қўйидагини ташкил этади:

3CaO SiO_2 37-60% (шартли белгиланиши C_3S);

2CaO SiO_2 ёки C_2S -15-37%;

$3\text{CaO Al}_2\text{O}_3$ ёки C_3A -5-15% ;

$4\text{CaO Al}_2\text{O}_3 \text{ F}_2\text{O}_3$ ёки C_4AF -10-18%

Тўлдирувчи сифатида асосан маҳаллий тоғ жинслари ва ишлаб чиқариш чиқиндилари (шлаклар ва бошқалар)дан фойдаланилади. Бундай арzon тўлдирувчилардан фойдаланиш бетоннинг нархини арзонлаштиради, чунки тўлдирувчи ва сув бетоннинг $85\dots90\%$ ни, цемент эса $10\dots15\%$ ҳажмини ташкил этади.

Бетонда йирик ва майда тўлдирувчилар қўлланилади. Доналари 5 мм дан каттароқ йирик тўлдирувчиларни шағал ва чақилган тош турларига

ажратилади. Бетондаги майда тўлдирувчилар табийй ва сунъий қум ҳисобланади. Чақилган тошни тоғ жинсларини майдалаш орқали олинади. Қурилишда аксарият охактош ва гранитдан олинган чақилган тошлар ишлатилади.

Қум ўзида уваланган майда заррали таркибни ифодалаб, у тоғ жинсларининг шамол таъсирида нураши натижасида юзага келади. Аксарият минералларнинг зарралари аралашган кварц қумлари, кам ҳолларда эса далашпатли ва охактошлилари учрайди. Баъзан қумни тоғ жинсларини маҳсус майдалаш йўли билан олинади. Бироқ бу усулда табиййга нисбатан таннархнинг ортиб кетиши сабабли маҳсус мақсадлардагина қўлланилади.

Қум учун донадорлик таркиб қуйидаги чегараларда бўлади:

| | | | | | | | |
|--|---|------|-------|-------|-------|------------|---------|
| Элак тешигининг ўлчами, мм | 5 | 2,5 | 1,25 | 0,63 | 0,315 | 0,14 | 0,14дан |
| Элакдаги тўлиқ қолдиқ, масса бўйича % ҳисобида | 0 | 0-20 | 15-45 | 35-70 | 70-90 | 90- 100 | 0-10 |

Кумнинг донадорлик таркибини шартли ифодалаш учун M_k - йириклик модулидан фойдаланадилар. Бу модуль стандарт элакларда қолган қолдиқларнинг тўлиқ йигиндисини (% ҳисобида) 100 бўлинган ҳолида ифодалайди. Кумларнинг йириклик модули 2,1 дан 3,25 га қадар ўзгариши мумкин. Бироқ мос ҳолдаги техник иқтисодий ва технологик асосланганда янада майда ва арzon маҳаллий қумлардан фойдаланиш мумкин ($M_k=1,2-2,1$). Йириклик модулига кўра қумларни йириқ, ўрта, майда ва ўта майда ёки майин турларга ажратилади (мос равишида $M_k=2.5-3.5; 2-2.5; 1.5-2; 1-1.5$, элакдаги тўлиқ қолдиқда 0,63мм-50-75, 35-50, 20-35, 20%дан кам). Йириклик модули қумнинг бетон хусусиятига факат такрибий баҳо бера олади, чунки турли донадор таркибдаги қумлар бир хилдаги йириклик модулига эга бўлиши мумкин.

Тўлдирувчилар бетоннинг 80% ҳажмини эгаллаб, унинг хусусиятларига, узок муддатга чидамлилигига ва нархига маълум даражада

таъсир кўрсатади. Тўлдирувчиларнинг бетонга киритилиши билан, бетондаги энг қимматбаҳо ҳисобланган хом ашё – цемент сарфини кескин камайишига эришилади. Бундан ташқари, тўлдирувчилар бетоннинг техник хусусиятларини яхшилайди. Юқори мустаҳкамликдаги тўлдирувчили бақувват скелет маълум даражада бетоннинг мустаҳкамлигини ва деформацияланиш модулини кўтаради – конструкцияларнинг босим таъсирида деформацияланишини камайтиради, шунингдек бетоннинг силжувчанлигини – бетонга узоқ муддат босим остида таъсир кўрсатиш натижасида юзага келиши мукин бўлган қайтмас деформациялардан сақлайди. Тўлдирувчи бетоннинг киришишини олдини олади ва бу билан узоқ муддат чидайдиган материални олиш имконини беради. Цемент тошининг қотиш жараёнидаги чўкиши 1-2 мм/м ни ташкил этади. Нотекис чўкиш деформациялари сабабли ички зўриқишилар ва хатто микроёриқлар юзага келади. Тўлдирувчи чўкиш деформацияси зўриқишини қабул қиласи ва цемент тошига нисбатан бир неча баробар чўкишни камайтиради.

Зич тог жинсларидан олинган шағал ва чақилган тошнинг донадорлик таркиби уларнинг чегаравий йириклиги турли (20, 40, 60, 70 мм) бўлганлиги учун энг кичик ва энг йирик ўлчамларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Тўдирувчини оптималь донадорлик таркиби аксарият, нафақат қум ва чақилган тошнинг донадорлик таркибига, балки уларнинг ўзаро тўғри нисбатини танлашга ҳам боғлиқ.

| Элак тешикларининг ўлчамлари, мм | D кич 5 мм | D кич 10 мм | $0,5 D_{кич} + D_{кат}$ | | $D_{кат}$ |
|--|-----------------|------------------|-------------------------|----------------------------------|-----------|
| | | | бир фракция учун | Фракциялар аралашмаси учун | |
| Тўлиқ қолдиқлар, % | 95-100 | 90-100 | 40-80 | 50-70 | 0-10 |

Бетон қоришмаси тайёрлаш учун водопроводдаги ичимлик, ҳамда водород кўрсаткичи pH 4 дан кам бўлмаган сувдан фойдаланилади. Сув

таркибида сульфатлар 2700 мг/л ва бошқа ҳамма тузлар 5000 мг/л дан ошмаслиги керак.

Бетон қоришимасини тайёрлаш учун денгиз ва бошқа шўр сувдан фойдаланиш мумкин, юқорида қўйилган талабларга жавоб берса бўлди. Фақат, уй-жой ва ижтимоий бинолар ички конструкциясини бетонлашда, иссиқ ва қуруқ климатдаги сув устидаги темир-бетон иншоотларида, , денгиз ва шур сувдан фойдаланиб бўлмайди, бу сувдаги тузлар бетоннинг устки қисмига чиқиб, пўлат арматурани коррозияга учратади. Бетонга сепиладиган сув ҳам бетон қорилган сувдан бўлиши керак.

Оғир бетон таркибини ҳисоблаш

Бетон маркаси - R_u - 200

Бетонни ишлатилиши – ораёпма плиталар ишлаб чиқариш.

Бетон қоришимасининг ҳаракатчанлиги, стандарт конус чўкмаси ОК-5см.

Ишлатиладиган материалларнинг характеристикалари:

1. Боғловчи материаллар – порландцемент:

Цементнинг активлиги - $R_u = 300$ МПа ($\text{кгс}/\text{см}^2$)

Цементнинг солиштирма оғирлиги - $\rho_u = 3,1 \text{ г}/\text{см}^3$

Цементнинг ҳажм оғирлиги - $\rho_{u.u} = 1,3 \text{ кг}/\text{м}^3$

2. Майда тўлдирувчи – дарё қуми:

Қумнинг солиштирма оғирлиги $\rho = 2,6 \text{ г}/\text{см}^3$

Қумнинг уйма ҳажм оғирлиги $\rho_{u.n.} = 1,4 \text{ кг}/\text{м}^3$

Қумнинг йириклик модули – $M_kr = 2,2$

3. Йирик тўлдирувчи – щебень:

Щебеннинг солиштирма оғирлиги - $\rho = 2,6 \text{ г}/\text{см}^3$

Щебеннинг уйма ҳажм оғирлиги - $\rho_{u.k.} = 1,4 \text{ кг}/\text{м}^3$

Щебеннинг зарраларо бўшлиқлиги $V_w = 0,46$, яъни 50%

Щебеннинг йириклиги - 20 мм

Хисоблаш методикаси

Хисоб 1м³ бетон учун олиб борилади.

Берилган цементнинг активлиги (R_u), талаб қилинган бетон мустаҳкамлигини олиш шарти асосида сув-цемент нисбати (С/Ц) аниқланади.

Бетон мустағкамлиги R_δ (С/Ц) = 0,4 ва ундан юқори бўлганда қуидаги формула билан ифодаланади:

$$R_\delta = R_u \cdot A(C / B - 0,5),$$

A – коэффициент, тўлдирувчилар сифатига боғлиқ бўлиб, юқори сифатли тўлдирувчилар учун (ювилган ва фракцияланган щебень ва қум) 0,65 га тенг.

$$\left(\frac{C}{Ц}\right)_\delta = \frac{A \cdot R_w}{(R_\delta + 0,5A \cdot R_w)} = \frac{0,65 \cdot 300}{200 + 0,5 \cdot 0,65 \cdot 300} = 0,66$$

1м³ бетон қоришмаси тайёрлаш учун сув миқдорини жадвалдан аниқланади (“Бетон ва темир-бетон буюмлари технологияси” фани бўйича тажриба машғулотларини бажариш учун услубий қўлланма).

$$C = 200 \text{ кг (литр)}$$

Аниқланган сув-цемент нисбати ва сув миқдорига асосан бетон қоришмаси тайёрлаш учун цемент миқдори (кг) аниқланади:

$$Ц = \frac{C}{(C / Ц)} = \frac{200}{0,66} = 303 \text{ кг/м}^3$$

1м³ бетон қоришмаси учун йирик тўлдирувчилар сарфи қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Ш = \frac{1000}{\left(\frac{V_{п.ш} \cdot \alpha}{\rho_u^0} + \frac{1}{\rho_u} \right)} = \frac{1000}{\frac{0,46 \cdot 1,42}{1,4} + \frac{1}{2,6}} = 1176,5 \text{ кг/м}^3$$

α - йирик тўлдирувчилар доналарини оралиғини белгиловчи коэффициент, жадвалдан аниқланади (“Бетон ва темир-бетон буюмлари технологияси” фани бўйича тажриба машғулотларини бажариш учун услубий қўлланма).

**Йирик түлдирувчилар доналарини оралигини белгиловчи
коэффициент**

| Цемент сарфи, кг/м ³ | Коэффициент α при С/Ц | | | | | |
|------------------------------------|------------------------------|------|------|------|------|------|
| | 0,3 | 0,4 | 0,5 | 0,6 | 0,7 | 0,8 |
| 250 | - | - | - | 1,26 | 1,32 | 1,38 |
| 300 | - | - | 1,3 | 1,36 | 1,42 | - |
| 350 | - | 1,32 | 1,38 | 1,44 | - | - |
| 400 | 1,31 | 1,4 | 1,46 | - | - | - |
| 500 | 1,44 | 1,52 | 1,56 | - | - | - |
| 600 | 1,52 | 1,56 | | | | |

Бетон қоришимасининг сувга талабчанлиги

| Бетон қоришимасининг жойлашувчанлиги | | Сув сарфи, л/м ³ шағал ва чақиқ тошнинг (шебень) йириклиги бўйича, мм | | | | | | | |
|---|------------------|---|-----|-----|-----|--------|-----|-----|-----|
| | | Шағал | | | | Щебень | | | |
| Конуснинг чўкиши, см | Бикирлик, сек | 10 | 20 | 40 | 70 | 10 | 20 | 40 | 70 |
| - | 40...50 | 150 | 135 | 125 | 120 | 160 | 150 | 135 | 130 |
| - | 25...35 | 160 | 145 | 130 | 125 | 170 | 160 | 145 | 140 |
| - | 15...20 | 165 | 150 | 135 | 130 | 175 | 165 | 150 | 145 |
| - | 10...15 | 175 | 160 | 145 | 140 | 185 | 175 | 160 | 155 |
| 2...4 | - | 190 | 175 | 160 | 155 | 200 | 190 | 175 | 130 |
| 5...7 | - | 200 | 185 | 170 | 165 | 210 | 200 | 185 | 180 |
| 8...10 | - | 205 | 190 | 175 | 170 | 215 | 205 | 190 | 185 |
| 10...12 | - | 215 | 205 | 190 | 180 | 225 | 215 | 200 | 190 |
| 12...16 | - | 220 | 210 | 197 | 185 | 270 | 220 | 207 | 195 |
| 16...20 | - | 227 | 218 | 203 | 192 | 237 | 228 | 213 | 202 |

1м³ бетон қоришимаси учун майдада түлдирувчилар сарфи қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$K = \left[1 - \left(\frac{I}{\rho_u} + \frac{C}{\rho_c} + \frac{III}{\rho_{uu}} \right) \right] \cdot \rho_k = \left[1000 - \left(\frac{303}{3,1} + 200 + \frac{1176,5}{2,6} \right) \right] \cdot 2,6 = 649,5 \text{ кг/м}^3$$

1 м³ бетон қориши маси ҳажм оғирлиги:

$$\rho_{\delta,k} = I + C + K + III = 303 + 200 + 649,5 + 1176,5 = 2329 \text{ кг/м}^3$$

Хом ашё материалларини транспортировка қилиш вақтида 2% йўқотишиларни хисобга олганда, 1 м³ бетон учун хом ашё сарфи.

$$\text{Цемент} = 303 + 303 \cdot 0,02 = 309,1 \text{ кг}$$

$$\text{Кум} = 649,5 + 649,5 \cdot 0,02 = 662,5 \text{ кг}$$

$$\text{Щебень} = 1176,5 + 1176,5 \cdot 0,02 = 1200 \text{ кг}$$

$$\text{Сув} = 200 + 200 \cdot 0,02 = 204 \text{ кг}$$

$$\text{Арматура} = 50,08 + 50,08 \cdot 0,02 = 51,08 \text{ кг}$$

Хом ашё материалларининг йиллик сарфи.

$$\text{Цемент} = 309,1 \cdot 42640 = 13180024 \text{ кг} = 13180 \text{ тонна}$$

$$\text{Кум} = 662,5 \cdot 42640 = 28249000 \text{ кг} = 28249 \text{ тонна}$$

$$\text{Щебень} = 1200 \cdot 42640 = 51168000 \text{ кг} = 51168 \text{ тонна}$$

$$\text{Сув} = 204 \cdot 42640 = 8698560 \text{ кг} = 8698,56 \text{ тонна}$$

$$\text{Арматура} = 51,08 \cdot 42640 = 2178051,2 \text{ кг} = 2178,05 \text{ тонна}$$

1.5-жадвал

Хом ашё материалларининг сарфи

| № | Хом ашё ва яримфабрикатлар номи | Ўчнов бирлиги | Сарфлар | | | |
|---|---------------------------------|---------------|---------|---------|---------|--------|
| | | | Йилда | суткада | сменада | соатда |
| 1 | Цемент | т | 13180 | 50,3 | 25,15 | 5,03 |
| 2 | Кум | т | 28249 | 107,82 | 53,91 | 6,74 |
| 3 | Щебень | т | 51168 | 195,30 | 97,65 | 12,2 |
| 4 | Сув | т | 8698,56 | 33,2 | 16,6 | 2,075 |
| 5 | Арматура | т | 2178,05 | 8,31 | 4,16 | 0,52 |

1.6. Технологик линияларни лойиҳалаш

Қолиплаш цехида асосий технологик ускунани жойлаштиришда, барча ишлаб чиқариш линиялари типовой саноат биноларида жойлашиши зарур, бу бинолар режада 144x18м ўлчамга эга типовой унификацияланган пролетлардан ташкил топган бўлади. Кенглиги ва узунлиги катта пролетли бинолардан фойдаланиш, жиддий асосланган ечимга эга бўлган ва ўқитувчи маслаҳатчи билан келишилган холларда рухсат этилади.

Қолиплаш цехи (пролет) да қуидагилар жойлашади: қолипларни тайёрлаш пости, бетонни жойлаш ва зичлаш, қолипдан чиқариш, таъмирлаш, совутиш, буюмларни безаш ва қабул қилиш постлари, иссиқлик билан ишлов бериш камералари билан банд майдонлар, арматура буюмлари ва комплектловчи деталлар заҳираси омбори, қолиплар таъмири ва уларнинг заҳира участкалари, йириклаштирилган йифиш ва безаш учун пост ёки конвейерлар, қиши вақтида иссиқлик ишловидан сўнг буюмларни сақлаш учун майдонлар.

Асосий ускуналар, постлар, оралиқ омборларни жойлаштиришда йиғма темир-бетон буюм ва конструкцияларни ишлаб чиқариш оқимига риоя қилиш керак.

Асосий эътибор қолиплаш ускуналарини ҳисоблаш ва танлашга қаратилади, лекин бошқа постлар ҳам унинг ритмик ва узлуксиз ишлашини таъминлаши зарур.

Агрегат кетма-кетлик линиялар маҳсулдорлигини ҳисоблаш

Агрегат кетма-кетлик линияларининг йиллик маҳсулдорлиги қуидаги формула билан ҳисобланади:

$$P = \frac{60 \cdot h \cdot C \cdot V}{t} \text{ м}^3,$$

бу ерда, h -суткадаги иш соатлари сони;

C -бир йилдаги иш кунлари сони-262 кун;

V -бир вақтда қолипланаётган буюмлар ҳажми, м^3 ;

t-қолиплаш цикли, мин (бетон қуиши ва зичлаш постида), йиғма темир-бетон корхоналарини технологик лойиҳалаш нормалари бўйича аниқланади (1.6-жадвал).

$$P = \frac{60 \cdot h \cdot C \cdot V}{t} = \frac{60 \cdot 16 \cdot 262 \cdot 0,907}{15} = 15209 \text{ м}^3$$

1.6-жадвал

Қолиплаш цех (бўлим) ларини технологик

Лойиҳалаш нормалари

Агрегат кетма-кетлик ишлаб чиқариш

| № | Қолипланаётган буюмлар характеристкаси | Линиялар ишининг ритмини максимал давомийлиги, мин; | | | |
|---|--|---|-----------|-------------|-------|
| | | буюмлар узунлигига, м | | | |
| | | 6 гача | 6 дан кўп | | |
| | | Бир қолипдаги бетон ҳажми, м^3 | | | |
| | | 1,5гача | 1,5-3,5 | 3,5 гача | 3,5-5 |
| 1 | Мураккаб бўлмаган конфигурацияли бир қатламли буюмлар | 12 | 15 | 20 | 25 |
| 2 | Мураккаб конфигурацияли бир қатламли буюмлар, бир қолипда бир неча буюм | 15 | 20 | 30 | 35 |
| 3 | Кўп қатламли, манзарали материаллар билан фактуранган, йирик габаритли мураккаб профилли буюмлар | 20 | 30 | 35 | 40 |

Технологик линиялар сони қуидаги формула билан хисобланади:

$$\frac{M_x}{P} = \frac{42640}{15209} = 2,7 \approx 3 \text{ линия}$$

бу ерда, M_x – йиллик ҳисобий маҳсулдорлик;

P – битта технологик линиянинг йиллик маҳсулдорлиги.

1.7. Иссиқлик билан ишлов берувчи камералар сони ва қолипларнинг зарурий сонини ҳисоблаш Циклик харакатланувчи камералар

Ўра типидаги иссиқлик билан ишлов бериш камералари ишлаб чиқаришнинг агрегат кетма-кетлик усулида ишлатилади. Ўрали камералар стандарт ускуналар эмас ва шунинг учун уларнинг габарит ўлчамлари ва сони ҳар бир ҳолат учун алоҳида танланади ва ҳисобланади.

Цехнинг бир пролетида барча камералар ўзаро алмашинувчи ва бир хил ўлчамда бўлиши мақсадга мувофиқ.

Камералар ўлчамларини ўрнатишда камера чуқурлиги 2,8м дан ошмаслиги зарур, бунда баландлик бўйича сезиларли ҳарорат фарқи юзага келмаслиги керак. Ўрали камераларда қолиплар бир-бирининг устига 4-6 ярусда қўйилишини ҳисобга олиш зарур.

Буюмнинг юқори очик юзаси бузулмаслиги ва иссиқлик кириш йўли кулай бўлиши учун, қолиплар орасига 5-7 см қалинликдаги пракладкалар ўрнатилади.

Шундай қилиб, камеранинг умумий баландлиги: қолиплар баландлиги, пастки қолип ости ва камера поли орасидаги ҳамда юқори қолип ва қопқоқ орасидаги 10 см ли иккита очик жой, қолиплар орасидаги прокладкалар қалинлигига тенг бўшлиқлар йиғиндисидан ташкил топади.

Камера узунлиги ва эни қуйидагича аниқланади:

Буюмларнинг умумий узунлиги ва энидан келиб чиқиб, қолипларнинг габарит ўлчамларини ҳисобга олиб, қолип чети ва бортлари ҳамда камера деворлари орасидаги бўшлиқлар 10дан 15 см гача деб қабул қилиниб ҳисобланади:

Агарда буюмлар камераларда икки ёки уч қатор қилиб жойлаштирилса, у ҳолда қаторлар орасидаги бўшликлар ҳисобга олинади. Одатда камера ўлчамлари буюмларнинг умумий ҳажми $18\text{-}20 \text{ m}^3$ га ҳисобланади.

Йирик ўлчамли буюмлар учун камералардан фойдаланиш коэффициенти ўртacha $0,3\text{-}0,4$ га тенг бўлади. Камеранинг бир иш циклида, оптимал юклатилганда иссиқлик ишловидаги буюмлар ўлчами ва ҳажмини билган ҳолда, камераларнинг йиллик маҳсулдорлигини тайёр буюмларни ҳажми (m^3) га нисбатан аниқлаш осон бўлади.

Бир камера маҳсулдорлигини аниқлаб, ушбу пролетдаги камераларнинг умумий сонини аниқлаш мумкин. Цех программасини ортиши ва камераларни таъмирга тўхташини ҳисобга олиб, ҳисоб-китоб билан олинган камералар сонини 1-2 га орттириш керак.

Камерага маҳсулотни жойлаштириш муддатларини қисқартириш учун ҳар бир бўш камера цехнинг ушбу пролетдаги барча қолиплаш постларидағи буюмлар билан тўлдирилади. Камеранинг иш цикли давомийлиги алоҳида операциялар учун вақт сарфи йифиндиси билан аниқланади: қопқоқни очиш , иссиқлик билан ишлов беришдан сўнг камерани бўшатиш, уни янги буюмлар билан юклаш; қопқоқни ёпиш; иссиқлик билан ишлов бериш.

Камера маҳсулдорлиги фақат цикл давомийлигагина эмас, балки камеранинг бир йилдаги айланишлар сонига ҳам боғлиқ. Ўра камераларининг зарурий сонини ҳисоблаш учун ўра камера айланишининг ўртacha давомийлигини аниқлаш зарур.

Ўра камера айланишининг ўртacha давомийлиги (T_k) - иссиқлик билан ишлов бериш муддати (S) ва камерани юклаш цикли (вақти) (t_k) га кўра жадвал асосида аниқланади.

Камерани юклаш вақти (мин) аниқланади:

- бир постдан юкландганда $t_k = t \cdot m$ (мин);
- иккита постдан юкландганда $t_k = t \cdot m / 2$ (мин),

бу ерда, t -қолиплаш цикли (мин);

m - камерада жойлашган қолиплар сони;

S- иссиқлик билан ишлов бериш муддати (S), соат (илова).

$$t_k = \frac{t \cdot m}{2} = \frac{15 \cdot 6}{2} = 45 \text{ мин}$$

1.7-жадвал

Камера айланишининг ўртача давомийлиги (T_k) соатларда

| № | Иссиқлик билин ишлов бериш муддати (S), соат | Камерани юклаш цикли (t_k), мин | | | | | | | |
|----|--|-------------------------------------|------|------|------|------|------|------|------|
| | | 30 | 60 | 80 | 100 | 120 | 140 | 160 | 180 |
| 1 | 6 | 10 | 11 | 12 | 13 | 13,5 | 14,5 | 15 | 16 |
| 2 | 7 | 11,5 | 12 | 13 | 13,5 | 14,5 | 15 | 15,5 | 16,5 |
| 3 | 8 | 12 | 13 | 14 | 14,5 | 15,5 | 16 | 17 | 18 |
| 4 | 9 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 17,5 | 18,5 | 19 |
| 5 | 10 | 15 | 15,5 | 16,5 | 17,5 | 18,5 | 19 | 19,5 | 20,5 |
| 6 | 11 | 16 | 17 | 18 | 19 | 19,5 | 20,5 | 21 | 22,5 |
| 7 | 12 | 17,5 | 18,5 | 19 | 20,5 | 21 | 21,5 | 22,5 | 23 |
| 8 | 13 | 18,5 | 19,5 | 20 | 21 | 21,5 | 22 | 23 | 23,5 |
| 9 | 14 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 23,5 | 24,5 | 25 |
| 10 | 15 | 21 | 22 | 23 | 23,5 | 24,5 | 25 | 26 | 27 |
| 11 | 16 | 22 | 23 | 24,5 | 25 | 25,5 | 26,5 | 27,5 | 28,5 |
| 12 | 17-18 | 24 | 25 | 26 | 27 | 27,5 | 28,5 | 29 | 30 |

Агрегат-оқимли ишлаб чиқаришда ўра камералар сони қуидаги аниқланади:

$$M = \frac{60 \cdot h \cdot T_k}{24 \cdot t \cdot m} \quad \text{дона},$$

бу ерда, h-суткадаги иш соатлари сони (корхона, цех иш режими бўйича).

$$M = \frac{60 \cdot h \cdot T_k}{24 \cdot t \cdot m} = \frac{60 \cdot 16 \cdot 22}{24 \cdot 15 \cdot 8} = 7,3 \approx 8 \text{ дона}$$

Талаб қилинган қолиплар сонини ҳисоблаш

Агрегат кетма-кетлик ишлаб чиқаришда қолипларга бўлган талаб, камера айланишининг ўртача давомийлиги билан аниқланади.

Қолипни бир айланишининг ўртача вақти:

$$T_{\phi} = T_k + \frac{t}{60} + \frac{\Sigma t_{\phi}}{60} \quad \text{соат},$$

бу ерда, Σt_{ϕ} - қолипнинг бошқа постларда бўлиш вақти (қолипдан чиқариш, тозалаш, мойлаш, арматуралаш, бетонлаш постидан ташқари, қоида бўйича, у қолиплаш циклига каррали).

$$T_{\phi} = 22 + \frac{15}{60} + \frac{45}{60} = 23 \text{ соат}$$

Ўра камералар билан жиҳозланган битта агрегат-оқимли линия учун қолиплар сони (бутун сонга яхлитланган):

$$N = 1,05 \cdot \frac{60 \cdot h \cdot T_{\phi}}{24 \cdot t} \quad \text{дона},$$

бу ерда, 1,05 – таъмирга заҳира коэффициенти.

$$N = 1,05 \cdot \frac{60 \cdot 16 \cdot 23}{24 \cdot 15} = 64 \text{ дона}$$

1.8. Технологик ускунани танлаш ва ҳисоблаш

Бу бўлимда ускунанинг фақат технологик ҳисоби, машинанинг алоҳида бўғинларининг конструктив ҳисобисиз келтирилади. Ускунанинг технологик ҳисоби деганда, машина (ёки ускуна)лар маҳсулдорлигини аниқлаш ва ишлаб чиқариш режасини бажариш учун зарур машиналар сонини аниқлаш тушинилади.

Ускунанинг технологик ҳисоби учун формуланинг умумий қўриниши қўйидагича:

$$\Pi_M = \frac{\Pi_T}{\Pi_P \cdot K_{BH}},$$

бу ерда, Π_M – ўрнатиладиган машиналар сони;

P_t – берилган технологик бўлим бўйича талаб қилинган соатий маҳсулдорлик;

P_n – танланган типидаги машиналарнинг соатий маҳсулдорлиги;
 K_{bh} – вақт бўйича ускуналардан фойдаланишнинг меъёрий коэффициенти (одатда 0,8-0,9 га тенг).

$$P_m = \frac{9,93 m^3 / coam}{15 m^3 / coam \cdot 0,8} = 0,83 \approx 1$$

Цех ускуналарининг рўйхати

| № | Ускуналар номи ва қисқача характеристикаси | Ўлчов бирлиги | Сони | Изоҳ |
|---|--|---------------|------|----------|
| 1 | Бетон ётқизгич | дона | 2 | |
| 2 | Бетон тарқатгич | дона | 1 | |
| 3 | Вибро майдон | дона | 2 | |
| 4 | Ўра камера | дона | 8 | |
| 5 | Кўприк крани (юк кўтариш – 20 т) | дона | 2 | СМЖ-187А |
| 6 | Ўзи юрар арава | дона | 1 | |
| 7 | Арматуралаш учун жой | дона | 3 | |
| 8 | Тайёр маҳсулотлар омбори | дона | 2 | |

1.9. Цемент омборини ҳисоблаш

Бетон кориш цехлари ва заводлари цемент сақлаш учун одатда силос типидаги омборлар билан жиҳозланади. Улар алоҳида ячейкалар – диаметри 5-10 м ли, ҳажми 25 – 1500 т ва ундан кўп бўлган металл ёки темирбетондан тайёрланган силослардан иборат. Майда қурилмалар учун 10 – 20 т ҳажмли инвентар силослар ишлатилади.

Цементнинг меъёрий заҳираси корхонанинг 5 – 10 кунлик талабидан келиб чиқади. Омбор сифимини аниқлаш учун цементнинг ҳисобий миқдорини қўйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$N_{цем} = M_x \cdot Ц \cdot З_ц \cdot 1,04 / 0,9 C \quad т,$$

бу ерда, M_x – корхонанинг йиллик маҳсулдорлиги, m^3 ;

$Z_ц$ – омбордаги цемент заҳираси, сутка;

1,04 – юклаш-тушириш ва транспорт операцияларида цементнинг мумкин бўлган йўқотиш коэффициенти;

0,9 – цемент сақлаш учун силосни тўлдириш коэффициенти;

C – йилдаги иш кунлари сони;

$Ц$ – $1m^3$ маҳсулот учун цементнинг ўртacha сарфи ,т.

$$N_{цем} = \frac{42640 \cdot 0,3091 \cdot 7 \cdot 1,04}{0,9 \cdot 262} = \frac{95951}{235,8} = 407 \text{ т}$$

Цемент омборини сифимини норматив ҳажмга яқин оламиз, яъни 480 т. Силослар сонини 4 та оламиз. Ҳар бир силоснинг сифими:

$$\frac{N_{цем}}{4} = \frac{480}{4} = 120 \text{ тонна}$$

1.9-жадвал

Цемент омборларининг техник характеристикаси

| | | | | | |
|--|-----------|-----------|-------------|-------------|-----|
| Омбор ҳажми, тонна | 360 (240) | 720 (480) | 1700 (1100) | 4000 (2500) | 60 |
| Силос банкаларининг сони | 6 (4) | 6 (4) | 6 (4) | 6 (4) | 4 |
| Омборнинг юклар айланмаси, минг. т/ йил | 17 (11) | 32 (23) | 82 (54) | 196 (131) | 284 |
| Сменадаги ишлилар сони | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 |

1.10. Тўлдирувчилар омборини ҳисоблаш

Темир – бетон буюмлари заводининг тўлдирувчилар омбори – транспорт турига, тўлдирувчиларни қабул қилиш усулига, сақлаш ва тарқатиш усулларига кўра турлича бўлиши мумкун. Омборлар очик ва ёпиқ бўлиши мумкун, тўлдирувчиларни омборлаш ва сақлаш усулларига кўра – штабелли, ярим бункерли ва силосли бўлади. Штабелли ва ярим бункерли омборлар эстакадалар, ер ости галереялари ва бошқалар билан жиҳозланган бўлиши мумкин.

Тўлдирувчилар омборидаги материалларнинг меъёрий заҳираси 5 – 10 кунликдир. Тахминан, 1 м³ оғир бетон учун 0,45 м³ қум ва 0,9 м³ шағал ёки майдаланган тош, енгил бетон учун эса мос равишда 0,55 ва 0,8 м³ зарур. Фракцион тўлдирувчилардан фойдаланганда тўғриловчи коэффициент (иккита фракция учун – 1,05, учтада – 1,1, тўрттада – 1,15) киритилади.

Тўлдирувчилар омбори ҳажми қўйидаги формула билан аниқланади:

$$\text{Қум учун } N_{\kappa} = M_x \cdot K \cdot Z_{\kappa} \cdot 1,04 / 0,9 \cdot C \quad \text{м}^3,$$

$$\text{Шағал учун } N_{\omega} = M_x \cdot W \cdot Z_{\omega} \cdot 1,04 / 0,9 \cdot C \quad \text{м}^3,$$

бу ерда, M_x – корхонанинг маҳсулдорлиги, м³;

K – қум сарфи – 0,45 м³;

Z_{κ} , Z_{ω} – омбордаги қум ва шағал заҳираси, сутка;

1,04 – мумкун бўлган йўқотиш коэффициенти;

0,9 – омборни тўлдириш коэффициенти;

C – йилдаги иш кунлари сони;

W – шағал сарфи – 0,9 м³.

$$\text{Қум учун } N_{\kappa} = 42640 \cdot 0,45 \cdot 7 \cdot 1,04 / 0,9 \cdot 262 = 592 \text{ м}^3$$

$$\text{Шағал учун } N_{\omega} = 42640 \cdot 0,9 \cdot 7 \cdot 1,04 / 0,9 \cdot 262 = 1185 \text{ м}^3$$

Тўлдирувчиларни эстакададан тўкишда, табиий қиялик бурчаги 40⁰ бўлиб, тўлдирувчилар штабелини максимал баландлиги 12 м бўлади. Суриладиган юк тушириш машина ёрдамида тўлдирувчиларни темир йўл составидан туширишда штабелни баландлиги 4–6 м бўлади.

Тўлдирувчиларни сақлаш учун бўлмаларнинг энг кам сони: қум учун-2; йирик тўлдирувчилар учун - 4.

Тўлдирувчилар омборининг умумий майдони қўйидаги формула билан аниқланади:

$$S_{омб} = S_{\phi} \cdot K_{\tilde{y}} \quad \text{м}^2,$$

бу ерда, S_{ϕ} – омборнинг фойдали майдони, ҳамма штабеллар майдонини йифиндисига тенг, м^2 ;

$K_{\tilde{y}}$ – ўтиладиган йўл ва ўтиш жойлари учун омбор майдонини катталлашиш коэффициенти ($K_{\tilde{y}} = 1,4-1,5$).

$$S_{омб} = 1252 \cdot 1,5 = 1878$$

1.11. Бетон қориш цехини ҳисоблаш

Йигма темир-бетон заводларида эркин тушишли даврий харакатга эга (гравитацион) ва материалларни мажбурий қориширувчи стационар бетон қориширгичлар ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Бетон қориширгичлар маркасини танлаш уларнинг асосий характеристикаларини ҳисобга олиш билан амалга оширилади: тайёр қоришка ҳажми, соатига қориширишлар сони, қоришириш усули, тўлдирувчилар йириклиги ва бошқалар.

Бетон қориширувчи қурилманинг соатига маҳсулдорлиги қўйидаги формула билан аниқланади:

$$Q_c = V \cdot \Pi_k \cdot K_h \cdot m / 1000 \quad \text{м}^3/\text{соат},$$

бу ерда: V – қориширувчи барабан ҳажми;

K_b – вактдан фойдаланиш коэффициенти – 0,91

K_h - қориshmани нотекис бериш коэффициенти - 0,8;

m - бетон қориши масининг чиқиш коэффициенти - 0,65 - 0,75;

Π_k - соатига қориширишлар сони.

325 л ва ундан кўп сифимли бетон қориширгичларда қориширишлар сони (Π_k) соатига:

- мажбурий қоришиши - 20;
- бикир қоришималарни гравитацион қоришиши -15;
- енгил түлдирувчили қоришималар – 15;
- силикат ва ғовакли қоришималар -10;
- қоришималар -30.

$$Q_c = \frac{500 \cdot 20 \cdot 0,91 \cdot 0,8 \cdot 0,75}{1000} = 5,5 \text{ м/соат}$$

Бетон қориширувчи қурилманинг йиллик махсулдорлиги қўйидаги формула билан аниқланади:

$$Q_{\text{й}} = Q_c \cdot T_{\text{см}} \cdot N \cdot T_{\Phi} \text{ м}^3,$$

бу ерда, Q_c -бетон қориширгичнинг соатига махсулдорлиги, $\text{м}^3/\text{соат}$;

$T_{\text{см}}$ -сменадаги иш вақти, соати;

N -сменалар сони;

T_{Φ} -ускуналар иш вақтининг йиллик фонди – 247 соат.

$$Q_{\text{й}} = 5,5 \cdot 8 \cdot 2 \cdot 247 = 21736 \text{ м}^3$$

Сигими 500 метрли 2 та бетон қориширгичли бетон қориширувчи қурилма оламиз.

1.12. Тайёр маҳсулотлар омборини ҳисоблаш

Темир-бетон буюмлари корхоналарида тайёр маҳсулот омборлари техник назорат бўлими қабул қилган тайёр маҳсулотларни, темир йўл ёки автотранспорт бўйича истеъмолчига жўнатгунча сақлаш учун мўлжалланган. Йилнинг иссиқ кунларида омборни буғлаш камера ва қолипларни айланиш (оборот) ини тезлаштириш учун маълум вақт сақлаб туриш учун ишлатиш мумкин.

Омбор таркибига йигма ёғоч ва металл кассеталар, уларда йирик ўлчами панеллар вертикал ёки қия ҳолатда сақланади, индивидуал ёки гурӯхли сақлаш ва темир-бетон буюмларни йирик ҳолатга йиғиш учун кондукторлар, инвентар подкладка ва прокладкалар, контователлар,

траверслар, такелаж, роликли лапа ва траплар, қўлда бошқарилувчи скатлар киради. Буюмларни штабеллаш баланлиги - майда 1,6 м, йирик – 3 м.

Буюмлар штабели орасидаги масофа – 20 см, ҳар икки штабел орасидаги йўлаклар - 0,7-1 м ва битта марказий йўлак - 1,5м.

Тайёр маҳсулотлар омборининг майдони қўйидаги формула билан аниқланади:

$$A = Q_{\text{сут}} \cdot T_c \cdot K_1 \cdot K_2 / Q_H \quad \text{м}^3,$$

бу ерда, $Q_{\text{сут}}$ - суткада келиб тушадиган буюмлар ҳажми, м^3 ;

T_c - буюмларни сақлаш давомийлиги - 10-14 сутка;

K_1 - йўлаклар майдони коэффициенти - 1,5;

K_2 - кран турига кўра, омбор майдонини ошириш коэффициенти:

- кўприк крани - 1,3;

- минорали - 1,5;

- ховозали (козловой) - 1,7.

Q_H - омборининг 1м^2 майдонида сақлаш учун рухсат берилган буюмларнинг меъёрий ҳажми:

- қовурғали панеллар, фермалар, ёпма балкалар ва мураккаб профилли бошқа конструкциялар учун - $0,5\text{м}^3/\text{м}^2$;

- бўшлиқли панеллар, колонналар ва бошқа узун элементлар учун - $1\text{м}^3/\text{м}^2$.

Масалан: ферма ҳажми (бетон қоришма сарфи) - 4м^3 .

Агар 1м^2 майдон учун буюмларнинг меъёрий ҳажми - $0,5\text{м}^3$ бўлса, у ҳолда 4 м^3 буюмга омборининг 8м^2 майдони талаб қилинади.

$$A = \frac{162,75 \cdot 10 \cdot 1,5 \cdot 1,3}{1} = 3174 \text{ м}^2$$

2. Ҳисобий қисм

2.1 Кўп бўшлиқли панелларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш

Берилган:

Узунлиги – 6,26 м

Эни – 1,0 м

Бетон синфи – В 15

Арматура синфи – А – III

бўлган айлана бўшлиқларга эга бўлган кўп бўшлиқли плита ва устига бу панел жойлашган кўп оралиқли йиғма ригелни ҳисоблаш ҳамда конструкциялаштомга таъсир қиласидиган кучлар 2.1 –жадвалда кўрсатилган.

Ечиш. Юклар ва зўриқишиларни аниқлаш.

Эни 100 см бўлган панелнинг 1 м узунлигига қўйидаги юклар таъсир кўрсатади, Н/м:

қисқа муддатли норматив (меъёрий) $p^n = 2800 \cdot 1,0 = 2800$

қисқа муддатли ҳисобий $p = 3640 \cdot 1,0 = 3640$

доимий ва узоқ муддатли норматив (меъёрий) $q^n = 5450 \cdot 1,0 = 5450$

доимий ва узоқ муддатли ҳисобий $q = 6370 \cdot 1,0 = 6370$

жами норматив (меъёрий) $q^n + p^n = 5450 + 2800 = 8250$

жами ҳисобий $q + p = 6370 + 3640 = 10010$.

2.1 – жадвал

Қаватлараро йигма том ёпма панелига тушадиган юк таъсири

| Юкларнинг турлари | Меъёрий юклар, Н/м ² | Юк таъсиридаги γ_f ишончлилик коэффициенти | Хисобий юк, Н/м ² |
|--|--|---|--|
| Доимий: паркетли полдан тушадиган юк, $t = 0,02$ м, $\rho = 800$ кг/м ³ шлакбетонли қатламидан тушадиган юк, $t = 0,065$ м, $\rho = 1600$ пенобетонли товушизоляцияловчи плиталардан тушадиган юк, $t = 0,06$ м, $\rho = 500$ темир-бетон панелдан (каталог бўйича) келтирилган қалинлик 110 мм, $t = 0,11$ $\rho = 2500$ кг/м ³ тушадиган юк | 160 1040 300 2750 | 1,1 1,2 1,2 1,1 | 176 1249 360 3025 |
| Жами Вақтинчалик: қисқа муддатли узок муддатли | $g^n = 4250$ 2800 1200 | - 1,3 1,3 | $g = 4810$ 3640 1560 |
| Жами Тўлиқ юк таъсири: доимий ва узок | $p^n = 4000$ 5450 | - | $p = 5200$ 6370 |

| | | | |
|----------------|--------------------|---|-----------------|
| муддатли | 2800 | - | 3640 |
| қисқа муддатли | | | |
| Жами | $g^n + p^n = 8250$ | - | $g + p = 10010$ |

Түлиқ юк таъсиридан ҳосил бўладиган эгувчи моментнинг ҳисобий қиймати

$$M = ql_0^2 \gamma_n / 8 = 10010 \cdot 6,11^2 \cdot 0,95 / 8 = 44376 \text{ Нм}$$

бу ерда, $l_0 = 6,26 - 0,2 / 2 - 0,1 / 2 = 6,11 \text{ м};$

Түлиқ норматив (меърий) юк таъсиридан ҳосил бўладиган эгувчи моментнинг ҳисобий қиймати ва ёриқбардошликка қарши мустаҳкамлигини ҳисоблаш учун) бунда $\gamma_f = 1$

$$M^n = q^n l_0^2 \gamma_n / 8 = 8250 \cdot 6,11^2 \cdot 0,95 / 8 = 36574 \text{ Нм}$$

худди шундай, норматив (меърий) доимий ва узок муддатли вақтинчалик юк таъсиридан

$$M_{ld} = 5450 \cdot 6,11^2 \cdot 0,95 / 8 = 24161 \text{ Нм};$$

худди шундай, қисқа муддатли норматив (меърий) юк таъсиридан

$$M_{cd} = 2800 \cdot 6,11^2 \cdot 0,95 / 8 = 12412 \text{ Нм}.$$

Ҳисобланган юк таъсиридан таянчда ҳосил бўладиган қирқувчи (кўндаланг) кучнинг максимал қиймати:

$$Q = ql_0 \gamma_n / 2 = 10010 \cdot 6,11 \cdot 0,95 / 2 = 29051 \text{ Н};$$

худди шундай, норматив (меърий) юқдан

$$Q^n = 9900 \cdot 6,11 \cdot 0,95 / 2 = 28732 \text{ Н};$$

$$Q_{ld} = 5450 \cdot 6,11 \cdot 0,95 / 2 = 15817 \text{ Н}.$$

Кесим танлаши.

Йиғма панелни тайёрлаш учун қуидагиларни қабул қиласиз:

бетон синфи В15

$$E_b = 23 \cdot 10^3 \text{ МПа}, R_b = 8,5 \text{ МПа}, R_{bt} = 0,75 \text{ МПа}, \gamma_{b2} = 0,9$$

бўйлама стерженлар сифатида А-III синфли арматура

$$R_s = 355 \text{ МПа}$$

күндаланг арматурали - А-I синфли арматура

$$R_s = 225 \text{ МПа} \text{ и } R_{sw} = 175 \text{ МПа}$$

пайвандлаган түрлар панелнинг юқори ва пастки токчасига Вр-I синфли симлар билан боғланади, $R_s = 360 \text{ МПа}$ бунда $d = 5 \text{ мм}$ ва $R_s = 355 \text{ МПа}$ бўлганда $d = 4 \text{ мм}$ қабул қилинади.

Панелни берилган ўлчамларида $b \times h = 100 \times 22 \text{ см}$ (бу ерда b – панелнинг энг кичик (номинал) эни; h – панелнинг баландлиги).

Кўндаланг кесими тўғри бурчакли бўлган тўсин каби ҳисоблаймиз. Олти бўшлиқли панелни лойиҳалаймиз. Ҳисоблашда бўшлиқли панелнинг кўндаланг кесимини унга эквивалент бўлган қўштавр шаклидаги кўндаланг кесимга келтирамиз. Думалоқ бўшлиқларни юзаси ва инерция моменти худди шундай бўлган тўғри бурчакли бўшлиқларга алмаштирамиз.

Ҳисоблаймиз:

$$h_1 = 0,9d = 0,9 \cdot 14,3 = 14,3 \text{ см}$$

$$h_f = h_f' = (h - h_1)/2 = (22 - 14,3)/2 = 3,85 \text{ см} \approx 3,8 \text{ см}$$

Қовургаларнинг келтирилган қалинлиги $b = 97 - 5 \cdot 14,3 = 25,5 \text{ см}$ (сиқилган токчанинг ҳисобий эни $b_f' = 97 \text{ см}$).

Нормал кесимнинг мустаҳкамлиги бўйича ҳисоблаши.

Томёпма панели кўндаланг кесимининг баландлигини қўйидаги формула бўйича ҳисобланган зарурый бикрликни сақлаш орқали мустаҳкамликни таъминлаш шартидан келиб чиққан холда олдиндан текширамиз:

$$h = \frac{c l_0 R_s}{E_s} \frac{\theta g^n + p^n}{q^n} = \frac{18 \cdot 611 \cdot 355}{2,0 \cdot 10^5} \frac{2 \cdot 5450 + 2800}{8250} \approx 22 \text{ см}$$

бу ерда, c – бўшлиқли панеллар учун 18-20 га тенг бўлган коэффициент; θ -юкларнинг муддатли таъсир этиши давомида солқинликнинг (прогиб) ошиши инобатга оловчи коэффициент (бўшлиқли панеллар учун $\theta = 2$) $g^n - 1 \text{ м}^2$ юзали томга муддатли таъсир этувчи меъёрий юқ; $p^n - 1 \text{ м}^2$ юзали томга

таъсир этувчи қисқа муддатли меъёрий юк; $q^n = g^n + p^n$ панелнинг хусусий оғирлигини Н/м^2 (Н/м) $q^n = g^n + p^n = 5450 + 2800 = 8250 \text{ Н/м}^2$ ҳисобга олган ҳолда унга (панелга) тушадиган жамланган меъёрий юклар.

Кесимнинг қабул қилинган баландлиги $h = 22 \text{ см}$, бу етарлидир. Нисбат $h_f / h = 3,8 / 22 = 0,173 > 0,1$ ни ташкил этади; ҳисоблаш учун токчанинг бутун энини $b_f = 97 \text{ см}$ да киритамиз.

$M = A_0 b h_0^2 R_b$ формула бўйича ҳисоблаймиз:

$$A_0 = \frac{M}{R_b \gamma_{b2} b_f h_0^2} = \frac{4437600}{8,5 \cdot 0,9 \cdot 97 \cdot 19^2 (100)} = 0,165$$

$$h_0 = h - a = 22 - 3 = 19 \text{ см}.$$

2.2 –жадвал бўйича $\xi = 0,18$, $\eta = 0,91$ аниқлаймиз.

Сиқилган зонанинг баландлиги

$$x = \xi h_0 = 0,18 \cdot 19 = 3,42 \text{ см} < h_f = 3,8 \text{ см}$$

нейтрал ўқ сиқилган токчанинг ичидан ўтади.

Бўйлама арматура кўндаланг кесимининг юзаси

$$A_s = \frac{M}{\eta h_0 R_s} = \frac{4437600}{0,91 \cdot 19 \cdot 355 (100)} = 7,23 \text{ см}^2$$

Олдиндан қабул қиласиз $4\varnothing 16\text{A-III}$, $A_s = 8,04 \text{ см}^2$, ҳамда тўр(сетка)ни ҳам ҳисобга оламиз $C - I \frac{4B_p - I - 100}{4B_p - I - 100} 970 \cdot 6110 \frac{25}{25}, \quad A_s = 5 \cdot 0,116 = 0,58 \text{ см}^2$; $\sum A_s = 0,58 + 8,04 = 8,62 \text{ см}^2$; 16ммдиаметрдаги арматурани четки қовурғаларга иккитадан ва иккитасини ўртадаги битта қовурғага тақсимлаймиз.

Қия кесимларнинг қия мустаҳкамлиги бўйича ҳисоблаши.

Кўп бўшлиқли панеллар учун кўндаланг арматурани ўрнатиш зарурлиги шартини текширамиз, $Q_{\max} = 29,0 \text{ кН}$.

Қия кесимнинг проекциясини қўйидаги формула бўйича ҳисоблаймиз:

$$c = \varphi_{b2} (1 + \varphi_f + \varphi_n) R_{bt} b h_0^2 / Q_b = B_b / Q_b$$

бу ерда, $\varphi_{b2} = 2$ оғир бетон учун; φ_f - сиқилган токча осилиш (свес)ларининг таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент; етти қовурғали кўп ғовакли плитада

$$\varphi_f = 7 \cdot 0,75 \frac{(3h_f) \cdot h_f}{bh_0} = 7 \cdot 0,75 \frac{3 \cdot 3,8 \cdot 3,8}{25,5 \cdot 19} = 0,469 < 0,5 \quad \varphi_n = 0,$$

2.2 - жадвал

Якка арматура билан арматураланган түгри бурчак кесимли эгилувчан элементтарни ҳисоблаши учун маълумотлар

| $\xi = x/h_0$ | $r_0 = \frac{1}{\sqrt{A_0}}$ | $\eta = z_0/h_0$ | A_0 | $\xi = x/h_0$ | $r_0 = \frac{1}{\sqrt{A_0}}$ | $\eta = z_0/h_0$ | A_0 |
|---------------|------------------------------|------------------|-------|---------------|------------------------------|------------------|-------|
| 0,01 | 10 | 0,995 | 0,01 | 0,36 | 1,84 | 0,82 | 0,295 |
| 0,02 | 7,12 | 0,99 | 0,02 | 0,37 | 1,82 | 0,815 | 0,301 |
| 0,03 | 5,82 | 0,985 | 0,03 | 0,38 | 1,8 | 0,81 | 0,309 |
| 0,04 | 5,05 | 0,98 | 0,039 | 0,39 | 1,78 | 0,805 | 0,314 |
| 0,05 | 4,53 | 0,975 | 0,048 | 0,4 | 1,77 | 0,8 | 0,32 |
| 0,06 | 4,15 | 0,97 | 0,058 | 0,41 | 1,75 | 0,795 | 0,326 |
| 0,07 | 3,85 | 0,965 | 0,067 | 0,42 | 1,74 | 0,79 | 0,332 |
| 0,08 | 3,81 | 0,96 | 0,077 | 0,43 | 1,72 | 0,785 | 0,337 |
| 0,11 | 3,11 | 0,945 | 0,104 | 0,46 | 1,68 | 0,77 | 0,354 |
| 0,12 | 2,98 | 0,94 | 0,113 | 0,47 | 1,67 | 0,765 | 0,359 |
| 0,13 | 2,88 | 0,935 | 0,121 | 0,48 | 1,66 | 0,76 | 0,365 |
| 0,14 | 2,77 | 0,93 | 0,13 | 0,49 | 1,64 | 0,755 | 0,37 |
| 0,15 | 2,68 | 0,925 | 0,139 | 0,5 | 1,63 | 0,75 | 0,375 |
| 0,16 | 2,61 | 0,92 | 0,147 | 0,51 | 1,62 | 0,745 | 0,38 |
| 0,17 | 2,53 | 0,915 | 0,155 | 0,52 | 1,61 | 0,74 | 0,385 |
| 0,18 | 2,47 | 0,91 | 0,164 | 0,53 | 1,6 | 0,735 | 0,39 |
| 0,19 | 2,41 | 0,905 | 0,172 | 0,54 | 1,59 | 0,73 | 0,394 |

Қамраб оловчи зўриқишиш бўлмаганлиги туфайли $\varphi_n = 0$,

$$B_b = \varphi_{b2} \times (1 + \varphi_f + \varphi_n) R_{bt} \gamma_{b2} h_0^2 = 2(1 + 0,469) 0,75 \cdot 0,9 \cdot 25,5 \cdot 19^2 (100) = 18,2 \times 10^5 \text{ Нсм.}$$

Ҳисобланган қия кесимда $Q_b = Q_{sw} = Q/2$, шунингдек,

$$c = B_b / (0,5Q) = 18,2 \cdot 10^5 / (0,5 \cdot 29051) = 125 \text{ см} > 2h_0 = 2 \cdot 19 = 38 \text{ см.}$$

$c = 38$ см деб қабул қиласиз, у ҳолда

$$Q_b = B_b / c = 18,2 \cdot 10^5 / 38 = 0,48 \cdot 10^5 \text{ Н} > Q = 29,0 \text{ кН}$$

Ҳисоблаш бўйича кўндаланг арматура талаб қилинмайди.

Кўндаланг арматураларнинг қўйилишини конструктив шартлардан келиб чиқсан ҳолда $s = h / 2 = 22 / 2 = 11$ см, ҳамда $s \leq 15$ см оралиқ қадамда қўйилиши тақозо этилади.

Оралиқнинг 1/4 узунликдаги участкаларида жойлашган таянчлардаги кўндаланг стерженларнинг диаметрини 6 мм, арматуранинг класси А-I деб белгилаймиз ва уларни 10 см оралиқларда жойлаштирамиз.

Панелнинг ўрта яъни 1/2 қисмида каркасдаги бўйлама стерженларни боғлаш мақсадида кўндаланг арматураларни 0,5 м оралиқда жойлаштирилади. Агар пастки С-1 тўрга ишчи бўйлама стерженлар киритилса, у ҳолда таянч олди каркасларни панелнинг 1/4 пролетга қирқиб қўйиш мумкин.

3. Иқтисодий қисм

3.1 Хом ашёвий материаллар, сотиб олинадиган буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотларга бўлган талабни ҳисоблаш

Ресурсларга бўлган талаб, малакавий битирув ишининг технологик қисми маълумотларига асосланиб ҳисобланади. Корхонанинг хом ашёвий материаллар, омборларга бўлган талаби жойлаштириш харажатларини ҳисобга олган ҳолда топилади:

$$C_0 = C_c + C_T$$

бу ерда: C_c - хом ашё ва материаллар нархи

C_T - маҳаллий хом ашё ва материалларни транспортда ташиш харажатлари

Кўшимча материалларнинг бир донаси учун харажат асосий материалларнинг нархидан 5 % миқдорда олинади.

3.1-жадвал

Хом ашёвий материалларга бўлган талаб қўйидаги жадвалга киритилади ва ҳисобланади

| Махсулотни номи | ишлаб чиқар иш хажми | Бирлиги | | Металл, т | | Цемент, т | | Күм, м ³ | | Шебень, м ³ | | Сув, л | | |
|--------------------------------------|----------------------|---|--|---|--|--|---|--|--|--|--|--|---|--|
| | | 42000 0,0394 3657,6 7315200000 | 4 Умумий 1 донаси учун норма керак бўлган миклор донаси умумий | 5 6 7 8 | 1 донаси учун норма керак бўлган миклор донаси умумий | нархи, сум. нархи, сум. нархи, сум. нархи, сум. | 9 0,309 16701 360000 6012360000 | 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 | 1 донаси учун норма керак бўлган миклор донаси умумий | 1 донаси учун норма керак бўлган миклор донаси умумий | Нархи сум. нархи, сум. | нархи, сум. нархи, сум. нархи, сум. нархи, сум. нархи, сум. нархи, сум. нархи, сум. нархи, сум. | нархи, сум. нархи, сум. нархи, сум. нархи, сум. нархи, сум. нархи, сум. нархи, сум. | |
| Ораёпма плита $V_{изд} = 0,86m^3$ | M ³ | 2 | 3 42000 0,0394 3657,6 7315200000 | 3 4 Умумий 1 донаси учун норма керак бўлган миклор донаси умумий | 4 5 6 7 8 | 5 6 7 8 | 9 0,309 16701 360000 6012360000 | 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 | 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 | 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 | 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 | 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 | 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 | 16 17 18 19 20 21 22 23 24 |

Йиллик ишлаб чиқаришга маблағ

1 донасиучун Умумий
(сум) (сум)

1 т цемент – 360000 сум
1 м³ щебен – 25000 сум

172026 83373258750 1 т металл – 2000000 сум
1 м³ кум – 30000 сум
1 лсув – 250 сум

Хом ашё материалдарини нархи

3.2 Ёқилғи, иссиқлик энергияси ва электр энергиясига бўлган талаб ва нархларни ҳисоблаш

Ҳисоблаш ишлари номенклатура бўйича олиб борилади ва ёқилғи, энергия харажатлари технологик қисмдан олинади.

Олинган натижалар 3.2 – жадвалга киритилади.

3.2-жадвал

Ёқилғи, иссиқлик энергияси ва электр энергиясига бўлган талаб

| Махсулотнинг номланиши | Бирлиги | 1 йилдаги маҳсул дорлик | 1 донаси учун харажат нормас и | 1 донасининг нархи сўм | 1 йилдаги умумий миқдори | Умумий нархи сўм |
|--|----------------|----------------------------------|---|------------------------------|-----------------------------------|------------------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| Технологик мақсадлар учун иссиқлик энергияси (т) | | | | | | |
| Ораёпма плита | м ³ | 42000 | 0,975 | 20000 | 46800 | 960000000 |
| Технологик мақсадлар учун электр энергия (квт) | | | | | | |
| Ораёпма плита | м ³ | 42000 | 120 | 160 | 5760000 | 7680000 |

1, 2, 3 устунлар 3,2 жадвалга 2, 3, 4 устунлар 3,1 жадвалга мос

4устун –технологик қисмдан қабул қилинади

5 устун – юқорида маълумотлар келтирилган

бустун = Зустун * 4устун

7устун = Зустун * 5устун

3.3 Асосий ишлаб чиқариш ходимларининг асосий ва қўшимча иш ҳақини ҳисоблаш

Ушбу ҳисобни амалга ошириш учун дастлаб 1 та ишчининг иш вақти фонди ҳисоблаб олинади ва у қўйидаги кўринишда бўлади:

| | |
|---|-----------|
| -вақтнинг календарь фонди | -365 кун |
| -байрам кунлари | - 8 кун |
| -дам олиш кунлари | - 52 кун |
| -қўшимча дам олиш кунлари | - 52 кун |
| -навбатдаги ва қўшимча таътил | - 18 кун |
| -ўқишиш бўйича таътил | - 1 кун |
| -хомиладорлик бўйича дам олиш | - 1 кун |
| -қонун доирасидаги касал бўлиш, келмаслик | - 1,5 кун |
| -давлат ва жамоат ишларида қатнашиш | - 1 кун |

Иш вақти баланси (1 та ишчининг ҳафтасига 5 кунлик ишда)

3.3-жадвал**Ишчи соатлар баланси**

| № | Кўрсаткичлар | Бирлиги | Миқдори |
|---|---|---------|---------|
| 1 | Вақтнинг календарь фонди | кун | 365 |
| 2 | Ишсиз кунлар миқдори шу жумладан: а) байрам кунлари б) дам олиш кунлари в) қўшимча дам олиш | кун | 112 |
| 3 | Иш кунларининг календарь миқдори Ишга келмай қолиш | кун | 253 |
| 4 | шу жумладан: а) навбатдаги ва қўшимча таътил б) ўқиши бўйича таътил в) тўғриқ бўйича таътил г) касал бўлиш ва бошқалар д) давлат хизматида бўлиш | кун | 22,5 |
| 5 | Таътилнинг иккинчи кунлари миқдори, бу ерда навбатдаги ва қўшимча дам олиш кунларини иш куни ҳисобига олинади | кун | 1,5 |
| 6 | 1 йилдаги ишчи кунлар сони | кун | 1 |
| 7 | Иш кунининг ўртача давомийлиги | соат | 3 |
| 8 | 1 та ишчининг фойдали иш вақти фонди | соат | 8,2 |
| | | | 1914,7 |

3.4-жадвал

Қолиплаш цехи бўйича асосий ва ёрдамчи ишчиларнинг йиллик иш ҳақи фондини ҳисоблаш

| Ишчиларнинг касби бўйича номланиши | 1 та ишчини йил. фойдали иш вақти фонди, соат | Тақвим бўй. ишчи лар миқдори | Ишчи ни тариф бўй. разряди | Ишчи нинг 1 соатлик тариф кўрсаткичи сўм | Иш ҳақининг йиллик фонди, сўм | Қўшимча рағбатлантиришни ҳисобга олган ҳолда йиллик иш ҳақи фонди, сўм |
|------------------------------------|---|------------------------------|----------------------------|--|-------------------------------|--|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| Асосий ишчилар | | | | | | |
| Электропайвандловчи | | 2 | IV | 6000 | 22976400 | 27571680 |
| Арматурачи | 1914,7 | 4 | III | 6500 | 49782200 | 59738640 |
| Қолипловчи | | 4 | III | 6000 | 45952800 | 55143360 |
| Якуний асосий иш ҳақи | | | | | | 142453680 |
| Қўшимча иш ҳақи – 6,5 % | | | | | | 92594892 |
| Якуний асосий ва қўшимча иш ҳақи | | | | | | 235048572 |
| Социал страховкага ўтказиш – 6,1 % | | | | | | 143379629 |
| Умумийиш ҳақи фонди | | | | | | 378428201 |
| Ёрдамчи ишчилар | | | | | | |
| Навбатчи слесар | 1914,7 | 2 | III | 5500 | 21061700 | 25274040 |

| | | | | | | |
|---|---|---|-----|------|----------|------------------|
| Навбатчи электрик | | 1 | III | 6000 | 11488200 | 13785840 |
| Пайвандловчи | | 1 | IV | 7000 | 13402900 | 16083480 |
| Якуний асосий иш ҳақи | | | | | | 55143360 |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| Кўшимча иш ҳақи – 6,5 % | | | | | | 35843184 |
| Якуний асосий ва қўшимча иш ҳақи | | | | | | 90986544 |
| Социал страховкага ўтказиш – 6,1 % | | | | | | 55501792 |
| Умумий иш ҳақи | | | | | | 146488336 |
| Цех бўйича иш ҳақи фонди | | | | | | 524916537 |

3.5-жадвал

Қолиплаш цехи Кичик ходим ва хизматчи ходимларининг иш ҳақи фондини ҳисоблаш

| Бўлимлар ва тизим бўйича таснифлаш | Ишчиларнинг категорияси | Мавқе бўйича иш ҳақи сўм | Иш ҳақининг йиллик фонди сўм |
|---|----------------------------|-----------------------------------|------------------------------------|
| Цех бошлиғи | 1 | 700000 | 8400000 |
| Механик | 1 | 560000 | 6720000 |
| Цех мастери | 2 | 420000 | 10080000 |
| Фаррош | 2 | 160000 | 3840000 |
| Якуний асосий иш ҳақи | | | 29040000 |
| Кўшимча иш ҳақи – 6,5 % | | | 18876000 |
| Якуний асосий ва қўшимча иш ҳақи | | | 29040000 |
| Социал страховкага ўтказиш – 6,1 % | | | 29228760 |
| Умумийиш ҳақи фонди | | | 58268760 |

3.6-жадвал

Ускуналарни таъмирлашга кетадиган ҳаражатлар

| № | Ҳаражатларнинг номланиши | Сумма сум. |
|---|--|---------------|
| 1 | Ускуналарга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишчиларнинг иш ҳақи | 146488336 |
| 2 | Ёрдамчи материаллар | 23798984 |
| 3 | Ишлаб чиқарувчи ускуналар ва транспорт воситаларининг амортизацияси | 709700000 |
| 4 | Ишлаб чиқарувчи ускуналар ва транспорт воситаларининг навбатдаги таъмири | 354850000 |
| 5 | Арzon нархдаги ва тез ишдан чиқувчи жихозлар емирилишини тўлдириш | 8640000 |
| 6 | Бошқа ҳаражатлар -10 % | 114458695 |
| | Ҳаммаси: | 1259045647 |

Ускуналарга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ёрдамчи ишчиларнинг иш ҳақи – жадвал (Ёрдамчи ишчилар)га асосан олинади. Бунда қўшимча иш ҳақи ва социал страховка ҳисобига олинади.

Қўшимча материаллар бўйича ҳаражатларни ускуналарга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ёрдамчи ишчилар иш ҳақининг 50 % миқдорида олинади.

Ишлаб чиқарувчи ускуналар ва транспорт воситаларининг амортизацияси бўйича ҳаражатлар ускуна ва транспорт воситаларининг смета бўйича нархини амортизация нормасига кўпайтирилгандан топилади. Амортизация нормаси темир – бетон ва металл иншоотлар учун – 9,4 %. Ишлаб чиқарувчи ускуналар ва транспорт воситалари ҳаражатлари амортизация ҳаражатларининг 50 % миқдорида олинади. Яъни навбатдаги таъмирлаш ишлари.

Бошқа ҳаражатлар юқоридаги ҳаражатларнинг 10 % миқдорида олинади.

3.7-жадвал

Цех бўйича ҳаражатлар ҳисоби

| № | Ҳаражатларнинг номланиши | Сумма сум |
|----------|--|--------------|
| 1 | Цех персоналиниң иш ҳақи | 23064845 |
| 2 | Бино ва иншоотларни сақлаш – 2 % | 6400000 |
| 3 | Бино ва иншоотлар амортизацияси – 9,4 % | 3008000000 |
| 4 | Бино ва иншоотларнинг навбатдаги таъмири –(50 % амортизациядан) | 1504000000 |
| 5 | Мехнат мухофазаси ва ёнгинга қарши техника бўйича ҳаражатлар – (2,5 % барча иш. ҳақи) | 3497406 |
| 6 | Бошқа ҳаражатлар – 10 % | 454496225 |
| Ҳаммаси: | | 4999458476 |

Цех персоналиниң иш ҳақи хизматчи ва кичик ходимларининг умумий иш ҳақи фондидан олинади.

Бино ва иншоотларни сақлаш ҳаражатлари уларнинг смета бўйича нархининг 2% миқдорида олинади. Бино ва иншоотларнинг амортизацияси ҳаражатлари уларнинг смета бўйича нархининг амортизация кўрсаткичи – 9,4 % га кўпайтиришдан топилади.

Бино ва иншоотларнинг навбатдаги таъмири ҳаражатлари амортизация ҳаражатларининг 50 % миқдорда олинади. Мехнат мухофазаси ва ёнгинга қарши техника бўйича ҳаражатлар барча ишчиларнинг (Асосий+Ёрдамчи+ИТР+МОП) умумий иш ҳақи фондининг 2,5 % миқдорида олинади. Бошқа ҳаражатлар юқоридаги ҳаражатларининг 10 % миқдорида олинади.

3.8 Завод бўйича умумий харажатларни ҳисоблаш

Завод бўйича умумий харажатлар ўз ичига бошқаришга ва ташкилий ишларга кетган харажатлар, завод бўйича умумий ускуна ва жиҳозларни таъмиrlаш, кадрларни тайёрлаш, заводн қўриқлаш ва бошқалар киради.

Ушбу харажатлар ишлаб чиқарувчи ишчиларнинг асосий ва қўшимча иш хақларининг 45 % миқдорида ҳисобланади:

$$524916537 \cdot 0,45 = 236212442 \text{ сум}$$

3.9 Брак бўйича йўқотишиларни ҳисоблаш

Брак бўйича йўқотишиларни ҳисоблашда хом ашёвий материалларнинг 3-5 % миқдорида ҳисобланади.

$$83373258750 \cdot 0,02 = 1667465175 \text{ сум}$$

3.10 Махсулотнинг фабрик – завод нархини топиш

Махсулотнинг фабрик – завод нархи цехдаги харажатлар, яъни цехнинг смета харажатлари, завод бўйича умумий харажатлар ва брак бўйича йўқотишилар асосида ҳисобланади:

$$4999458476 + 236212442 + 1667465175 = 6903136093 \text{ сум}$$

3.11 Ишлаб чиқаришдан ташқари харажатларни топиш

Ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлар ўз ичига маҳсулотни реализация қилиш ва жамоат ташкилотларига маблағ ўтказиш қийматларини олади. Лойиҳада ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлар миқдори маҳсулотнинг фабрик – завод нархининг 4 % миқдорида олинади.

$$6903136093 \cdot 0,04 = 276125444 \text{ сум}$$

3.12 Махсулотнинг умумий таннархини ҳисоблаш

Махсулотнинг умумий таннархи унинг фабрик – завод нархи ва ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлар йиғиндисидан топилади.

3.8-жадвал

| Калькуляцион харажатлар номлари | Йиллик ишлаб чиқариш учун кетадиган харажатлар | | | Калькуляцион дона учун харажатлар | |
|--|---|-----------------------|--------------|--------------------------------------|--------------|
| | Нархи сүм | Керак ли миңдор | Сумма сүм | Миндор | Сумма сүм |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| Қайтарувчи чиқындилярни хисобга олмаган ҳолдаги хом- ашёвий материаллар | | | | | |
| а) металл | 2000000 | 3657,6 | 73152000006 | 2,68 | 5360000 |
| б) цемент | 360000 | 16701 | 012360000 | 1,172 | 421920 |
| в) күм | 30000 | 42636 | 1279080000 | 2,992 | 89760 |
| г) щебень | 25000 | 65493 | 1637325000 | 4,596 | 114900 |
| д) сув | 250 | 9975 | 2493750 | 0,7 | 175 |
| Хом ашё материаллари бүйіча умумий | | | 83373258750 | | 5986755 |
| Технологик мақсадлар учун ёқилғи | 1780 | 46800 | 960000000 | 0,975 | 20000 |
| Технологик мақсадлар учун электр энергия | 91,1 | 5760000 | 7680000 | 120 | 160 |
| Ёрдамчи материаллар | | | 23798984 | | 417,53 |
| Асосий ишлаб чиқарувчиларнинг асос. иш ҳақи | | | | | |

| | | | | | |
|--|--|--|-------------|--|----------|
| | | | 142453680 | | 2499,18 |
| Асосий ишлаб чиқарувчи ходимларнинг кўшимча иш ҳақи | | | 92594892 | | 1624,47 |
| Асосий иш ҳақидан социал страховкага ўтказиш | | | 143379629 | | 2515,43 |
| Ускуналарни сақлашга ва эксплуатациясига кетадиган харажат | | | 1259045647 | | 22088,52 |
| Цех бўйича харажат | | | 4999458476 | | 87709,80 |
| Завод бўйича умумий харажатлар миқдори | | | 236212442 | | 4144,08 |
| Брак бўйича йўқотишилар | | | 1667465175 | | 29253,77 |
| Махсулотнинг фабрик – завод нархи | | | 6903136093 | | 121107,6 |
| Ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлар | | | 276125444 | | 4844,31 |
| Ораёпма плита тўлиқ таннархи | | | 10026604921 | | 238729 |

Тўлиқ таннарх 1 та маҳсулот учун 238729 сўмни ташкил этади.

4. Мәхнат мухофазаси

4.1.Мәхнат хавфсизлиги ва замонавий қурилиш объектларида

мәхнат мухофазасининг тутган ўрни

Мәхнат хавфсизлик хизматининг асосий вазифалари қурилиш майдонида ва унга боғлиқ бўлган иш жараёнларида содир бўладиган жароҳатланиш ва бошқа баҳтсиз ҳодисаларни келтириб чиқарадиган сабабларни бартараф қилиш ва ташкилот маъмуриятининг ишчи ва хизматчиларига иш шароитини яхшилаб бериш устидан назорат қилиб туриш фан ва техника ютуқларини жорий қилиш асосида мәхнат хавфсизлиги ва ҳимоя вазифаларини маданиятини ошириш, баҳтсиз ҳодисаларни олдини олишга қаратилган ташкилий-техник санитария тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий этишдан иборат. Мәхнат мухофазасининг замонавий қурилишда объектларида темир-бетон корхоналарида тутган ўрни бекиёс.

Хозирги замон қурилиши тартиби халқ хўжалигининг энг мураккаб ишлаб чиқариш жараёнларидан бирига айланди. Ишчиларнинг касбий малакасини ошириш ишнинг сифатига ва уларнинг хавфсизлигига боғлиқдир. Мәхнат хақфсизлиги ишчи ва хизматчиларнинг мәхнатга бўлган муносабатларини тубдан ўзgartиришга мажбур қила оладиган услубий тадбир. Мәхнат хавфсизлигидаги бошқариш – бу мәхнат жараёнида одамларнинг соғлигини сақлаб қолишга қаратилган бир қатор техниковий, ташкилий, тозалик ва даволаниш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда бажарилишини таъминлаш, назорат қилиб боришдан иборат.

Замонавий қурилиш объектларида мәхнат хавфсизлигини бошқаришни ташкилот бўйича бош муҳандис, қурилиш майдонларида эса мутассади раҳбар ҳодимлар амалга оширадилар.

Услубий ва ташкилий ишларни бу борада хавфсизлик муҳандиси олиб боради.

4.2.Қурилишда мәхнат хавфсизлиги

Қурилиш бошқармалари ва саноат корхоналари таркибида мәхнат мухофазасини ташкил қилиш ва уни бошқариш бўйича маҳсус хақфсизлик

хизмати мавжуд. Мехнат хавфсизлиги хизматини бевосита ташкилотнинг бош раҳбари чиқаради.

Жисмоний меҳнат жараёнида инсон меҳнат қуроли ёрдамида бирор бир жисмга таъсир этиш йўли билан унинг шаклини ва моҳиятини ўзгаришига эришади. Ана шу меҳнатнинг самараси меҳнат қуроли ва ишчининг моҳирлигидан ташқари, яна иш жойининг ҳарорати ва ёритилганлиги, озода ва сарамжонлиги, ҳавонинг мусаффолиги ва шовқин суроннинг йўқлиги ва шунга ўхшашиб бир қатор омилларга боғлиқ, буларнинг ҳаммаси биргаликда меҳнат шароитини ифодалайди. Давр талаби ва меҳнат жараёнларини мураккаблашиб бораётганлиги сабабли ташкилотларда, қурилишда ва саноат корхоналарида меҳнат хавфсизлигини бошқаришни такшил этишга зарурат туғилди.

Меҳнат хавфсизлигини бошқаришнинг мақсади, меҳнат муҳофазаси қоидаларини ишчиларга етказиш, уни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишдан иборат.

4.3.Ёнғин хавфсизлиги

Ёнғинлар саноат корхоналари халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, туар-жой биноларида юз бериши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади.

Ёнғин чиқмаслигини таъминлаш, ёнғин чиққан тақдирда уни ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини кўриш, биринчидан моддий бойликларни сақлаб қолишга қаратилган бўлса, иккинчидан инсон саломатлиги ва унинг ҳаётини сақлаб қолиш чора-тадбирларини амалга ошириш, меҳнат муҳофазасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Бетон ва темир-бетон ва конструкциялари ишлаб чиқариш корхонаси, цехлари ва омборлари атрофи тўсилади, бунда корхона ўт ўчириш воситалари билан таъминланган бўлши керак. Саноат корхоналарининг ёнғинга ва портлашга хавфсизлик категориясини аниқлаш, бу корхонада хавфсиз иш шароитини таъминлаш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Технологик жараёнларни ёнғинга ва портлашга хавфсизлигини таҳлил қилганда технологик схемалардан, чегараланган маълумотномада келтирилган материаллардан саноат корхонасида ишлатилаётган материал ва моддаларнинг ёнғинга портлашга ва аварияларга сабабчи бўладиган сабаблари ўрганилади. Майдаловчи қурилмалар, тегирмонлар, иситиш ва қиздириш воситаларидан етарли даражада чанг билан аралашма ҳосил бўлиши ва портлашга олиб келиши мумкин. Ёндириш манбаи сифатида газ пайвандлаш ишларида чиқадиган иссиқликларни ҳисобга олиш керак; ёнғинни олдини олиш мақсадида замонавий ва ўта мустаҳкам электр қурилмалари ва асбоб-анжомлардан корхоналарда кенг қўлланилмоқда.

5.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. “Узбекистан” 1996.
2. Акрамов Х.А., Нуритдинов Х.Н. Бетон ва темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш технологияси. 1,2-қисм Т. 2012й.
3. Akramov X.A., Nuriddinov X.N. Beton va temir-beton ishlab chiqarish texnologiyasi. 1,2-qism. T. 2012y.
4. Асқаров Б.А. “Қурилиш конструкциялари”. Т., Ўзбекистон, 1995.
5. Акрамов Х.А. “Қурилиш ашёлари саноати корхоналарини лойихалаштириш”. Т., Узбекистан, 2003.
6. Акрамов Х.А., Нуритдинов Х.Н. “Бетон ва темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш технологияси”. Дарслик. Т., Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2011.
7. Акрамов Х.А., Нуритдинов Х.Н. “Бетон ва темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш”. Ўқув қўлланма, I ва II қисм. Т., Ўзбекистон, 2007.
8. Баженов Ю.М., Комар А.Г. “Технология бетонных и железобетонных изделий” – М. Стройиздат, 2000.
9. Наназашвили И.Х. Справочник. “Строительные материалы, изделия и конструкции”. М., высшая школа. 1990.
10. Байков В.Н. “Железобетонные конструкции”. Москва. Стройиздат, 1991.
11. Мандриков А.П. “Примеры расчета железобетонных конструкций”. Москва. Стройиздат, 1991.
12. ҚМК 3.03.04-98. Йиғма темир-бетон конструкцияларини ишлаб чиқариш.
13. ҚМК 2.03.01-96. Бетон ва темир-бетон конструкцияларини лойихалаш.
14. ҚМК 2.01.07-96. Юк ва таъсирлар.
15. ҚМК 2.03.01-96. Бетон ва темир-бетон конструкцияларини лойихалаш.

16. Уз РСТ 679-96. Бетоны. Правила подбора бетона.

17. Уз РСТ 7473-94. Смеси бетонные.